Ishbilarmon, mardlik va shijoat sohibi, azmi qat`iy, tadbirkor va hushyor bir kishi ming-minglab tadbirsiz, loqayd kishilardan yaxshidir

XXI ASR

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA | 2015-yil 1-yanvar, payshanba, **01 (581)-son** | e-mail: **xxi_asr@mail.ru**, web sayt: **www.21asr.uz**

# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ



Қадрли ватандошларим!

Мана шу файзли дамларда сиз, азиз юртдошларимга аввало ўзимнинг чуқур ҳурмат ва эҳтиромимни изҳор этиб, қутлуғ қадамлари билан кириб келаётган Янги йил билан табриклаб, барчангизга чин қалбимдан сиҳат-саломатлик, тинчлик-омонлик, бахт-саодат, хонадонларингизга хотиржамлик ва фаровонлик тилашни ўзим учун катта бахт деб биламан.

Айни шу дақиқаларда якунига етиб бораётган йилни кузатар эканмиз, йил давомида босиб ўтган йўлимизни ва рўй берган воқеаларни, қўлга киритган марра ва ютуқларни шукроналик билан кўз ўнгимиздан ўтказар эканмиз, 2014 йил биз учун самарали ва хосиятли бўлди, деб айтишга тўлиқ асосларимиз бор, деб ўйлайман.

Бунинг исботини аввало биз кўзлаган буюк мақсад бўлмиш – дунёдаги тараққий топган демократик давлатлар қаторига кириш, бунинг учун олиб бораётган демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш мақсадида амалга ошираётган улкан ишларимизда кўришимиз мумкин.

Айниқса, иқсодиётимизни барқарор суръатлар билан юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишда, ҳеч шубҳасиз, ўтаётган йил ҳаётимизда чуқур из қолдириши муқаррар.

Бунинг тасдиғини юртимизда рўй бераётган оламшумул ўзгариш ва янгиланишларда, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси янада чирой очаётганида, қад ростлаётган, энг замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхоналарда, деҳқон ва фермерларимизнинг мардона меҳнати эвазига далаларимизнинг унумдорлиги ва ҳосилдорлиги йилдан-йилга ошиб, халқимизнинг ҳаёт даражаси юксалиб бораётганида, Ўзбекистонимизнинг дунёдаги обрў-эътибори тобора ортиб, унинг халқаро майдонда муносиб ўрин олаётганида кўриб-кузатиб, шу юртда яшаётган ҳар қайси инсоннинг кўнгли ҳақиқатан ҳам ғурур ва ифтихорга тўлади.

Айтиш керак – ўтган даврда биз эришган айрим кўрсаткичларни тасаввур қилишнинг ўзи қийин. Жаҳон миқёсида молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётганига қарамасдан, Ўзбекистонимизнинг саноқли давлатлар қаторида охирги 10 йил давомидаги иқтисодий ўсиши, яъни, содда қилиб айтганда, фаровонлигимизнинг юксалиш суръатлари узлуксиз равишда 8 фоиздан кам бўлмасдан келмоқда ва 2015 йилда ҳам бу кўрсаткичдан кам бўлмайди, иншооллоҳ.

Азиз юртдошларим!

Ўзбекистоннинг бугунги кунда тараққиёт йўлида барқарор суръатлар билан қадам қўяётганида, обод ва фаровон ҳаёт қураётганида бу саховатли заминда яшаётган ҳар қайси инсоннинг, унинг миллати, дини, эътиқодидан қатъи назар, муносиб ҳиссаси борлигини, бутун халқимизнинг машаққатли меҳнати, мардлиги ва матонати, бағрикенглиги, бир оила бўлиб яшаётгани, қисқача айтганда, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик ва меҳр-оқибатлик туйғуси нақадар катта бойлик эканини барчамиз миннатдорлик билан қайд этамиз.

Бунга иқрор бўлиш учун аввало ҳозирги кунда дунёда содир бўлаётган воқеаларни, яқин ва узоқ атрофимизда хавф-хатарлар, сиёсий ва иқтисодий қарама-қаршиликлар авжига чиқиб, терроризм ва экстремизм ҳаракатларини, қон тўкилишларни кўриб-кузатиб турганимиз ҳеч кимни тинч ва бепарво қолдирмайди, албатта.

Минг афсуски, бундай кескинлашувлар, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, дунё бозорларидаги ноаниқ вазият ва танглик давом этишининг кутилиши – бундай таҳликали аҳвол барчамиздан ҳушёрлик, сезгирлик ва сафарбарлигимизни оширишни, содда қилиб айтганда – бўш келмаслигимизни талаб қилади.

Бир муҳим масалани эсимиздан, хаёлимиздан асло чиқармаслигимиз керак. Ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди. Айниқса, биз XXI асрда, глобаллашув, интеллектуал тараққиёт ва интернет замонида яшаётганимизни инобатга оладиган бўлсак, эришган марра ва ютуқлар билан чегараланмасдан, ҳаволаниш кайфиятига берилмасдан, аксинча, доим янгиликка интилишимиз, эртанги кунимизни, олдимизда турган муаммо ва қийинчиликларни ўзимизга яққол тасаввур қилиб яшашимиз лозим. Фақат шундай жамият, қолаверса, давлатгина жадал суръатлар билан ўзгариб бораётган замон билан ҳамқадам бўлиб яшаши мумкин.

Айни шу ҳақиқатни англаган ҳолда, 2015 ва келгуси йилларнинг режалари ва янги марраларни эгаллаш ҳақида сўз юритар эканмиз, биз аввало демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида эришган ютуқларимизга, тўплаган тажрибамизга суяниб, келажагимиз стратегиясига айланган Концепциямиз асосида олиб бораётган ишларимизни изчил суръатлар билан давом эттиришимиз зарур.

Шу борада амалга ошираётган барча ислоҳотларимизнинг туб илдизи – томирида ётган масалаларга эътиборингизни жалб этмоқчиман.

Сўз кўп тармоқли иқтисодиётимизнинг устувор соҳаси ҳақида – хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни тез суръатлар билан ривожлантириш йўлидан барча ғов ва тўсиқларни олиб ташлаш, уларнинг эркинлигини таъминлаш ҳақида бормоқда.

Яна бир устувор масала – бутун жаҳон миқёсида иқтисодий ва сиёсий вазият тобора кескинлашиб бораётганини инобатга олган ҳолда, иқтисодиётимиздаги таркибий ўзгаришларни изчил чуқурлаштириш, ишлаб чиқариш соҳасини узлуксиз техник, технологик янгилаб бориш ва модернизация қилиш, замонавий ахборот-коммуникация тизимларини кенг жорий этишдир.

Шу масалалар билан чамбарчас боғланган яна бир вазифа – иқтисодиётимизда давлатнинг улуши ва ўрни қай даражада бўлишини танқидий кўз билан баҳолаб, уни стратегик ҳамда иқтисодий асосланган даражага қадар қисқартиришдан иборат. Очиғини айтганда, мана шу ўта муҳим ислоҳотларимизни ярим йўлда қолдирмасдан, мантиқий якунига етказсак – марра бизники.

Бошқача айтганда, айни шу асосда эски маъмурий-буйруқбозлик тизимидан ҳали-ҳамон мерос бўлиб келаётган, одамларнинг норозилигини қўзғаётган барча қолдиқлардан воз кечишга имкон туғдирамиз, улардан озод бўламиз.

Ҳурматли юртдошлар!

Янги – 2015 йилда мамлакатимиз давлат бюджетининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилганини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Яъни, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳаларини, мухтасар айтганда, инсон омилини янада юксалтириш эътиборимиз марказида бўлади.

Иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдорининг ўртача ўсиши 22 фоиздан кам бўлмасдан, аҳолимизнинг реал даромадлари 10 фоизга кўпайиши белгиланмоқда.

Кичик бизнес ва фермер хўжаликлари учун янги йилда ягона социал тўловлар ставкаси 25 фоиздан 15 фоизга туширилади. Шу тариқа 440 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ уларнинг ихтиёрида қолдирилади. 2015 йилнинг 1 январидан бошлаб жисмоний шахсларнинг бир минимал ойлик ҳажмидаги маошидан солиқ олинмайди. Барча ишчиларга тегишли бўлган бу янгилик аввалабмор бошқаларга нисбатан ойлиги энг кам бўлган фуқароларга кўпроқ наф беришини алоҳида қайд этиш лозим.

Айни шу тадбирлар ҳисобидан меҳнаткашларимиз камида 120 миллиард сўм наф кўради. Янги йилда бериладиган бундай имтиёзларнинг рўйхатини яна давом эттириш мумкин.

Инфляция даражаси, яъни нарх-навонинг ўсиши тахминан 5,5-6,5 фоизни ташкил этиши кутилмоқда.

Келгуси йилда одамларимизнинг турар-жой шароитларини яхшилаш, янада обод этиш, коммунал-маиший хизмат сифатини тубдан оширишга алоҳида эътибор берилади.

2015 йилда қишлоқ жойларда яшаётган 12 мингта оила шаҳар шароитидан қолишмайдиган, намунавий лойиҳалар асосида қурилган янги уй-жойларга кўчиб кириши мўлжалланмоқда.

Қадрли дўстларим!

Кириб келаётган янги йилга мамлакатимизда Кексаларни эъзозлаш йили деб ном берганимиздан халқимиз албатта яхши хабардордир.

Бунинг замирида ҳаммамизни оқ ювиб, оқ тараган, муқаддас юртимизнинг ташвиш ва муаммоларини ўз елкасида кўтариб келаётган, хонадонларимизнинг файзи ва кўрки бўлган кекса авлод вакилларини ҳаётдан рози қилиш, уларнинг дуосини олишдек савобли ва олижаноб мақсадлар мужассам эканини, ўйлайманки, барчамиз яхши тушунамиз.

Биз меҳрибон ота-оналаримиз, муҳтарам кексаларимиз олдидаги ана шу қарзимизни янада теран англаган ҳолда, уларга ҳар томонлама эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишдек олижаноб мақсадлар билан 2015 йилга қадам қўяр эканмиз, биз учун миллий ўзлигимиз тимсолига айланиб кетган каттага – ҳурмат, кичикка – иззат, меҳр-оқибат, шафқат ва мурувват каби эзгу фазилатларни янада мустаҳкамлаб, уларни жондан азиз фарзандларимизнинг онгу шуурига сингдиришда кириб келаётган йил муҳим, юксак бир босқич бўлишига ишонаман.

Айни шундай ноёб фазилатларга эга бўлаётганимиз яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган сайловларда яққол намоён бўлганининг гувоҳи бўлдик.

Буларнинг барчаси одамларимизнинг, аввало, ҳал қилувчи кучга айланаётган ёш авлодимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши, сиёсий ва фуқаролик савияси, ҳуқуқий маданияти юксалиб ва энг муҳими – эртанги кунимизни биз ўзимиз, она юртимиз учун қуряпмиз, деб дадил майдонга чиқаётганининг намойиши, десам, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Мен яқинда, Конституциямиз байрамига бағишланган тантанали мажлисда кимки асл демократияни кўрмоқчи бўлса, Ўзбекистонимизга келсин, деб айтганим бежиз эмас.

Ҳақиқатан ҳам, бундай халқ олдида бош эгиб, ҳар қанча таъзим қилсак арзийди, албатта, азизларим.

Қадрли ва муҳтарам ватандошларим!

Янги йил кириб келишига саноқли дақиқалар қолган мана шу ҳаяжонли дамларда барчамиз Яратганимиздан эзгу мақсадларимиз рўёбга чиқишини, хонадонларимизнинг қут-баракаси, файзини беришини чин қалбимиздан сўраймиз.

Кириб келаётган янги йилимиз юртимизга, барча-барча оилаларга бахту саодат ва омад келтирсин!

Ҳар биримизнинг пок ният ва тилакларимиз ижобат бўлсин!

Ватанимиз тинч, халқимиз омон, осмонимиз мусаффо бўлсин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти.**

## Самимий қутловлар

**Янги – 2015 йил кириб келиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига қатор хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар ва чет эл етакчи компанияларининг раҳбарлари, жамоат арбоблари Юртбошимиз ва Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва омонлик тилаб, ўзларининг эзгу ниятлари изҳор этилган самимий қутловларини юборганлар**

**Жумладан, қуйидагилар ўз табрикларини йўллаганлар:**

| | |
|---|---|
| Хитой Халқ Республикаси Раиси | **Си Цзиньпин** |
| Россия Федерацияси Президенти | **Владимир Путин** |
| Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси | **Дмитрий Медведев** |
| Япония Бош вазири | **Шиндзо Абэ** |
| Япония Бош вазирининг ўринбосари, молия вазири | **Таро Асо** |
| Германия Федератив Республикаси Президенти | **Йоахим Гаук** |
| Германия Федератив Республикасининг Федерал Канцлери | **Ангела Меркель** |
| Бирлашган Араб Амирликлари Президенти | **Халифа бин Зоид Ол Наҳаён** |
| Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири, Дубай Амирлиги ҳокими | **Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум** |
| Бирлашган Араб Амирликлари Қуролли Кучлари Бош қўмондонининг ўринбосари, Абу Даби амирлиги Валиаҳди | **Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён** |
| Қозоғистон Республикаси Президенти | **Нурсултон Назарбоев** |
| Туркманистон Президенти | **Гурбангули Бердимуҳамедов** |
| Тожикистон Республикаси Президенти | **Имомали Раҳмон** |
| Қирғиз Республикаси Президенти | **Алмазбек Атамбаев** |
| Афғонистон Ислом Республикаси Президенти | **Муҳаммад Ашраф Ғани** |
| МДҲ Ижроия қўмитасининг раиси — Ижро этувчи котиби | **Сергей Лебедев** |
| НАТО Бош котиби | **Йенс Столтенберг** |
| Япония Халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) президенти | **Акихико Танака** |
| «Марубени» корпорацияси президенти ва Бош ижрочи директори | **Фумия Кокубу** |

*Табрикномалар келиши давом этмоқда.*

**БУГУНГИ СОНДА:**


**ЖАРАЁН**
«Ватан — улуғ, бурчим муқаддас» 2



**ҚУЙИ БЎҒИНЛАРДА**
Ҳали ишга солинмаган имкониятлар бор 5



**ИСЛОҲОТ**
Миландаги мақтовнинг моҳияти 7



**СЎНГГИ САҲИФА**
Сув остидаги шаҳар 8




## Энг буюк бойлик

**Бугун байрам – Янги йилнинг биринчи куни. Эртага ҳам, индинга ҳам оиламиз ва яқинларимиз даврасида тантаналарни давом эттириб, ҳордиқ чиқарамиз**

Чунки аҳолининг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Президентимиз махсус қарор қабул қилди. Унга кўра, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни тўхтатиб туриш мумкин бўлмаган айрим корхона ва муассасалардан ташқари барча ташкилот ва идораларда 2015 йил 2 январь дам олиш куни деб эълон қилинди. Зарурат юзасидан ишга чиққанларга эса Меҳнат кодексининг 157-моддасига асосан компенсация тўлаш белгилаб қўйилди.

2

## Сайловнинг яна бир муҳим босқичи

**O`zLiDeP 2015 йил 4 январь куни ўтказиладиган такрорий овоз бериш жараёнига жиддий ҳозирлик кўриб, бу муҳим босқичда ҳам сиёсий рақобатчиларига нисбатан кўп ўрин эгаллашга интилмоқда**

Маълумки, 2014 йилнинг 21 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов бўлиб ўтди. Унда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан кўрсатилган номзодлар сайловчиларнинг энг кўп овозини тўплашга эришди.

2

## Кўз тегмасин кўз, кундан кун яхши

**Ассалому алайкум, азиз муштарий! Аввало, барчангизни Янги йил билан чин дилдан муборакбод этамиз. Муҳтарам Юртбошимиз таклифи билан Кексаларни эъзозлаш йили, дея номланган қутлуғ йилнинг биринчи санасида учрашиб турганимиздан беҳад мамнунмиз. Ушбу дийдорлашув сизлар билан нашримиз орқали мулоқотларимизнинг 581-сидир. «XXI asr» эса 10 ёшга тўлиб, 11 ёшга қадам қўйди.**

2

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2014 йил 30 декабрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

| | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1971,59 | 1 АҚШ доллари | 2422,40 | 1 Хитой юани | 389,33 | 1 Туркия лираси | 1044,23 | 10 Япония иенаси | 201,56 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 3774,82 | 1 Миср фунти | 338,80 | 1 Малайзия ринггити | 693,01 | 1 Швейцария франки | 2456,79 | 1 Россия рубли | 46,55 |
| 1 Дания кронаси | 397,26 | 1 Исландия кронаси | 19,11 | 1 Польша злотийси | 675,70 | 1 ЕВРО | 2987,74 | 1 Украина гривнаси | 153,62 |
| 1 БАА дирҳами | 659,52 | 1 Канада доллари | 2085,40 | 1 СДР | 3510,20 | 10 Жанубий Корея вони | 22,07 | | |

## 2014 «СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ»ДА ЭРИШИЛГАН ЮТУҚЛАР: ДАЛИЛ ВА РАҚАМЛАР

**АНДИЖОН.** Якунланган йилда вилоятда «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган мақсадлар учун жами **397 МЛРД. 514,2 МЛН.** сўм, шунингдек, **3 МЛН. 853 МИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ** ҳамда 450 минг евро миқдорида маблағ сарфланди.

Дастурга асосан Андижон вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, шаҳарлар, туманлар ФҲДЁ бўлимлари, хотин-қизлар қўмиталари томонидан маҳалла фаоллари билан биргаликда никоҳга кираётган шахсларнинг тиббий кўрикдан тўлиқ ўтишини таъминлаш, шу тариқа ирсий ва туғма касалликларнинг олдини олиш ҳақида кенг тарғибот ишлари олиб борилди. Кўп тармоқли поликлиникалар томонидан **2014 ЙИЛДА 29 911 НАФАР** никоҳга кирувчи ёш тиббий кўрикдан ўтказилиб, соғломлаштириш тадбирлари амалга оширилди.

Йил давомида вилоят бўйича 12 та маданият ва аҳоли дам олиш марказларини капитал таъмирдан чиқариш мақсадида 2 млрд. 606 млн. сўмлик иш бажарилди.

Дастур доирасида аёл тадбиркорлар, шунингдек, ишчи-ходимларининг камида 50 фоизини хотин-қизлар ташкил этувчи кичик бизнес субъектларига **75 МЛРД. 923 МЛН.** сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди.

Вилоятнинг 14 та тумани чекка қишлоқларида 276 млн. сўмлик маблағ эвазига «Гўзаллик салони», таъмирлаш, тикув цехлари ҳамда техник хизмат кўрсатиш пункти мавжуд бўлган биттадан намунавий маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси барпо этилиши натижасида 110 та янги иш ўрни яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 15 ноябрдаги қарори ижросини таъминлаш ҳамда «Соғлом бола йили» Давлат дастурига асосан вилоятнинг 31 та қишлоқ массивида намунавий лойиҳалар асосида **977 ТА УЙ-ЖОЙ** қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Бундан ташқари, дастур доирасида жойларда 16 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объекти, жумладан, 2 та гузар, 3 та савдо мажмуаси, 3 та бозор, 5 та нон пишириш цехи ҳамда 3 та маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси ишга туширилди ва бунинг учун 2,2 млрд. сўмдан зиёдроқ маблағ сарфланди.

Вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази **1 МЛРД. 350 МЛН. СЎМЛИК** инвестиция маблағлари ҳисобидан 50 ўринли даволаш бўлими, туман кўп тармоқли марказий поликлиникаларидаги тиш даволаш хоналари энг сўнгги русумдаги, замонавий жиҳоз ва анжомлар билан таъминланди.

Маҳаллий бюжет ҳисобидан мактабгача таълим муассасалари моддий-техник базасини босқичма-босқич мустаҳкамлаш мақсадида **3 МЛРД. 891 МЛН. СЎМЛИК** маблағ эвазига 37 та болалар боғчалари капитал таъмирланиб, 583,7 млн сўмлик мебеллар билан жиҳозланди.

Давлат дастури доирасида еттита умумтаълим мактабида 5 млрд. сўмлик капитал таъмирлаш ишлари олиб борилган бўлса, 11 тасида 10 млрд. сўмга яқин маблағ ҳисобига реконструкция ишлари амалга оширилди.

Шу билан бир қаторда, 7 млн. 500 млн. сўм маблағ эвазига 1 та касб-ҳунар коллежини тўлиқ реконструкция қилиш, 10 та касб-ҳунар коллежини замон талабларига мос равишда таъмирлаш ишлари якунланди.

***

**БУХОРО.** «Соғлом бола йили» ҳудудий дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш учун 2014 йилнинг 11 ойи давомида **788,1 МЛРД.СЎМ, 1,4 МЛН. АҚШ ДОЛЛАРИ** ва 204,2 минг евро миқдорида маблағ сарфланди.

2014 йил мобайнида вилоят бўйича 28 та умумтаълим мактаби, 10 та касб-ҳунар коллежи, 8 та даволаш-профилактика муассасаси, 10 та болалар спорти объекти, **24 ТА** ичимлик суви тармоғини қайта реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш ишлари бажарилиб, давлат бюджети ҳисобидан **77,2 МЛРД.** сўмлик маблағ билан молиялаштирилди.

Айниқса, қишлоқ жойларида аёлларнинг маиший турмуш шароитларини яхшилаш, рўзғор ишларини енгиллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи хотин-қизларга ўз фаолиятини янада кенгайтириш, ёш оилаларга уй-жой сотиб олиш, қуриш ва реконструкция қилиш тадбирларини амалга оширишлари учун тижорат банкларининг **277,4 МЛРД.** сўмлик имтиёзли кредитлари ажратилди.

Бухоро шаҳридаги Абу Али ибн Сино номли майдонда мусиқали фавворалар хиёбони барпо этилди. Қишлоқ жойларида эса намунавий лойиҳалар асосида **839 ТА ЯНГИ УЙ-ЖОЙ** ўз эгаларига топширилди.

Бундан ташқари, вилоят марказида ижтимоий ҳимояга муҳтож ёш оилалар учун 64 хонадондан иборат ёшлар турар-жойи фойдаланишга топширилди. Шунингдек, Бухоро ва Коган шаҳарлари, Ғиждувон туманида ҳам ҳар бири 64 хонадондан иборат 3 та «Камолот» уйлари қуриб битказилди.

***

**САМАРҚАНД.** «Соғлом бола йили» ҳудудий дастурида белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш харажатлари **648,2 МЛРД.** сўмни (эквивалентда 1338,1 минг евро)ни ташкил этди.

Инвестиция дастурига кўра, 66 та умумтаълим мактаби, 18 та касб-ҳунар коллежи, 17 та болалар спорт объекти, шунингдек, 4 та болалар мусиқа ва санъат мактаби янгидан қурилиб (реконструкция ва капитал таъмирланиб), фойдаланишга топширилди. 12 та соғлиқни сақлаш объекти, шунингдек, Оқдарё, Жомбой ва Пайариқ туманларидаги маданият ва аҳоли дам олиш марказлари реконструкция қилинди.

Шу тариқа 2014 йилда вилоятда ижтимоий соҳа объектларига жами **104 993,8 МЛН.** сўм маблағ сарфланди.

Давлат дастури асосида тиббиёт соҳасида ҳам сезиларли вазифалар амалга оширилди. Жумладан, ҳудудда 27 та қишлоқ врачлик пункти капитал ва жорий таъмирдан чиқарилди.

Бундан ташқари, барча туманларнинг чекка қишлоқларида маиший хизмат кўрсатиш комплекслари барпо этилиб, уларда сартарошхона, «Гўзаллик салони», тикув цехи каби йигирмага яқин турдаги хизматлар йўлга қўйилди. Самарқанд шаҳрининг ўзида 12 та кўп қаватли уй-жой қурилиб, **576 ТА** оила янги уйга кўчиб ўтди. Ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 3 та 4 қаватли ҳар бири 64 хонадонга мўлжалланган «Камолот» уйлари қурилиши жадал давом этмоқда.

***

**СУРХОНДАРЁ.** «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида вилоятда бюджет, ҳомийлар ва бажарувчилар маблағлари, банк кредитлари эвазига жами **303 МЛРД. 300 МИЛЛИОН** сўмдан ортиқ маблағ ўзлаштирилди.

Дастурга мувофиқ, вилоятнинг 13 та туманидаги 26 та массивида **887 ТА** намунавий лойиҳалар асосидаги замонавий уй-жой бунёд этилди.

Аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш учун 15,2 млрд. сўм маблағ ажратилиб, 80 дан ортиқ аҳоли пунктида тоза ичимлик сув таъминоти тубдан яхшиланди.

Давоми. 3-4-саҳифаларда ▶

# «Президент арчаси» завқи

### «Туркистон» саройида 29 декабрь куни «Президент арчаси» тантаналари бошланди



Мамлакатимизнинг барча болалари орзиқиб кутувчи ушбу шодиёналарга Тошкент шаҳридаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, кам таъминланган, серфарзанд оилаларнинг ўғил-қизлари таклиф этилди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда навқирон авлодга меҳр-эътибор кўрсатиш, пухта таълим бериш, уларни ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида камол топтириш масаласи амалга оширилаётган ислоҳотларнинг пировард мақсадини ташкил этади.

«Соғлом бола йили» Давлат дастурининг ҳаётга кенг жорий этилиши натижасида ўғил-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашга оид ишларни янада такомиллаштириш, ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, маънавиятини юксалтиришга доир эзгу ишлар ҳажми тобора ортмоқда. Дастурга кўра, болаларни жисмоний ва маънавий ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи ахборотлардан ҳимоялаш, уларни спортга кенг жалб этиш, мактабгача таълим масканлари, оилавий поликлиникалар, спорт-соғломлаштириш муассасалари, болалар ижодиёти марказлари фаолиятини такомиллаштириш, таълим-тарбия масканларининг моддий-техник базасини янада яхшилаш, ўқитиш сифати ва мазмунини юксалтириш юзасидан кенг кўламли ишлар бажарилди.

Бу жараёнда миллати, тиббий-ижтимоий ҳолатидан қатъи назар, барча болаларнинг ўқиши, касб-ҳунар эгаллашига оид имкониятларни янада кенгайтириш, улар учун муносиб шароит яратиш, алоҳида эҳтиёжли болаларга кўрсатилаётган ижтимоий-ҳуқуқий, маънавий кўмак кўламини ошириш, уларни спорт-соғломлаштириш, бадиий ижодиёт, ўқув-фан тўгаракларига кенг жалб этиш, манфаатларини ҳимоялаш юзасидан тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг саломатлигини асраб-авайлаш, зарур тиббий муолажаларни кўрсатиш юзасидан бир қатор лойиҳалар амалга оширилди. Жумладан, Тошкент, Андижон, Наманган ва Фарғона шаҳарларининг марказий кўп тармоқли поликлиникалари ҳузуридаги ногирон болаларга барвақт ёрдам бериш хизматини жорий этишга оид чора-тадбирлар ҳажми янада ортди. Буларнинг барчаси мамлакатимизда ҳар бир фарзанд давлат ва жамиятимизнинг доимий эътиборида эканининг амалий ифодасидир.

...«Туркистон» саройининг камалакранг чироқлар, ёрқин шарлар билан безатилган фойесида чорлов мусиқаси садолари янграйди. Ушбу байрамни кўтаринки руҳда, юксак савияда ўтказишда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, «Sen yolg'iz emassan» республика жамоатчилик болалар жамғармаси томонидан қизғин тайёргарлик кўрилди.

Арча атрофига жам бўлган болаларга турли эртак ва мультфильмлар қаҳрамонлари ҳамроҳ бўлиб, биргаликда Қорбобо ва Қорқизни даврага чорлайди. Қорбобою Қорқиз, айиқчаю тулкича, Зумрад ва Қиммат, Насриддин Афанди каби севимли қаҳрамонлар билан байрам янада завққа тўлади.

Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодга кўрсатилаётган чексиз меҳр-эътибор, ёруғ ва саодатли, тинч-осойишта кунларимиз, мусаффо осмонимиз, истиқлолнинг азиз неъматлари, бахтиёр болаликнинг беғубор онлари, нуроний отахон ва онажонларни улуғловчи куй-қўшиқлар янграйди. Эстрада ижрочилари ва цирк усталари иштирокидаги мусиқий дастур, ранг-баранг рақслар, болаларнинг зеҳнини чархловчи турли ўйинлар, тез айтишлару топишмоқлар байрамга янада жўшқинлик бағишлайди. Топқир, зеҳнли ва зийрак ўғил-қизларга Қорбобо ўйинчоқлар, китоблар, ширинликлар совға қилади.

— «Президент арчаси» тантаналарини мен ҳам орзиқиб кутдим, – дейди Юнусобод туманидаги 23-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси 11 ёшли Гўзал Насриддинова. — Ушбу байрамга бағишлаб янги шеърлар ёд олдим, қўшиқлар ўргандим. Арча атрофида мазза қилиб рақсга тушдик. Қувноқ томошалардан баҳраманд бўлдик. Бундай завқли байрам учун Президентимиздан жуда миннатдормиз.

Арча атрофидаги томошалардан сўнг болалар залга таклиф этилди. Улар учун «Томоша» болалар студияси томонидан тайёрланган «Мўъжизалар китоби» театрлаштирилган дастури намойиш этилди.

Болаларга Президентимизнинг Янги йил совғалари топширилди.

Бундай тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда бўлиб ўтмоқда.

**Назокат УСМОНОВА, Сарвар ЎРМОНОВ (суратлар), ЎзА.**

# Сайловнинг яна бир муҳим босқичи

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

**Ўз мухбиримиз**

Алоҳида таъкидлаш жоизки, бу галги сайлов аҳолининг сиёсий фаоллиги сезиларли равишда ошганининг яққол намойиши бўлди. Буни сайловчилар рўйхатига киритилганларнинг қарийб 90 фоизи сайлов участкаларига ташриф буюрганидан ҳам билиш мумкин.

Кейинги йилларда сайлов қонунчилиги изчил такомиллаштирилгани, сайловчиларнинг ҳуқуқий маданияти юксалгани, давлат ҳокимияти тизимида вакиллик органларининг мавқеи мустаҳкамлангани, ҳукуматни шакллантиришнинг янада демократик тамойиллари жорий қилингани ана шундай фаолликнинг муҳим омили бўлди, десак муболаға қилмаймиз.

Шу ўринда такрорий овоз бериш – бу Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига сайловда икки ёки ундан ортиқ номзод иштирок этиб, уларнинг ҳеч бири сайловчиларнинг ярмидан кўп овозини олмаган тақдирда ўтказиладиган жараён эканлигини қайд этиш жоиз.

Келаётган якшанба куни бўлиб ўтадиган, сайловнинг яна бир муҳим босқичи саналган мазкур сиёсий тадбирда O`zLiDePнинг 9 нафар номзоди ҳам курашни давом эттиради. Фурсатдан фойдаланиб, уларнинг исми-шарифлари ва округларини муҳтарам сайловчиларга яна бир бор эслатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир:

Ҳакимова Зулхумор Каримовна (10-Олтинкўл, Андижон вилояти);

Раҳимов Олим Ҳамидович (23-Шоҳруд, Бухоро вилояти);

Ҳакимов Раҳим Расулжонович (48-Чуст, Наманган вилояти);

Тошқулов Абдуқодир Ҳамидович (70-Термиз, Сурхондарё вилояти);

Турсунов Муродулла Холсаидович (72-Қумқўрғон, Сурхондарё вилояти);

Шарафутдинов Шуҳрат Ҳурсанович (91-Данғара, Фарғона вилояти);

Умаров Иброҳимжон Саматович (95-Риштон, Фарғона вилояти);

Матякубов Анварбек Эгамович (106-Боғот, Хоразм вилояти);

Арипова Мактуба Кабуловна (124-Оқтепа, Тошкент шаҳри).

Ишонасизки, сиз 2015 йил 4 январь куни **«КУЧЛИ ЎРТА СИНФ – МУСТАҲКАМ, РАҚОБАТДОШ ИҚТИСОДИЁТ — МАМЛАКАТ РАВНАҚИ ДЕМАК»** умумий шиори остидаги Сайловолди платформаси билан иштирок этаётган номзодларимизни қўллаб-қувватлайсиз! Зеро, O`zLiDeP – доимо сиз билан бирга!

# «Ватан — улуғ, бурчим муқаддас»

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг 2014 йилдаги фаолияти якунлари ва истиқболдаги вазифаларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Жамоатчилик кенгаши раиси И.Мирзаалиев, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А.Абдуллаев, Мудофаа вазирлигининг давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари билан ишлаш бўлими бошлиғи, подполковник М.Абилов мамлакатимиз хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган миллий армияни шакллантириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2014 йил 9 декабрдаги «Ватан ҳимоячилари кунини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги фармойишига мувофиқ жойларда «Ватан – улуғ, бурчим муқаддас» шиори остида маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Жамоатчилик кенгаши аъзолари, фан арбоблари, ижодкорлар, маданият ва спорт соҳаси вакилларидан иборат тарғибот-ташвиқот гуруҳлари томонидан ҳарбий қисм ва муассасаларда, маҳаллалар, корхоналар ва таълим даргоҳларида учрашувлар ўтказиш режалаштирилган.

**Фахриддин НУРАЛИЕВ.**

# Кўз тегмасин кўз, кундан кун яхши

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

**Темур АБДУРАҲМОНОВ,**
«XXI asr»

Ўн йил кўҳна тарих учун киприк қоққандай дам. Аммо унинг ҳар бир йили улкан бунёдкорлик ва яратувчанлик кўлами билан асрларга татигулик бўлди. Азиз Ватанимиз янги тарихининг энг жўшқин ва қайноқ саҳифалари сифатида қалбларимизга муҳрланди. Айни мана шу ўн йилликда истиқлол туфайли мустақил ва эркин фаолият билан шуғулланиб, юртимиз бойлигига бойлик, оилаларимиз дастурхонларига файз-барака киритиб, турмушимизнинг янада фаровон бўлишига муносиб ҳисса қўшиб келаётган минглаб ишбилармон ва тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя этишни мақсад қилган Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сиёсий майдонга кириб келди. Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг «Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир», деган пурмаъно даъватини асосий шиорга айлантирган партиямиз ўтган қисқа давр мобайнида етакчи кучга айланди. Минглаб маслакдошларни ўз атрофига жамлаб, ҳуқуқий демократик давлат қуриш, эркин иқтисодий ва фуқаролик жамияти барпо этиш, халқ фаровонлигини юксалтиришга қаратилган давлат сиёсатини изчил давом эттиришда фаол иштирок этиб келмоқда. Партия раҳбар органлари ҳамда жойлардаги ҳудудий ташкилотлари фаолиятини, O`zLiDePнинг асосий электорати ҳисобланмиш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, қишлоқда аллақачон ҳал қилувчи кучга айланган деҳқон ва фермер хўжаликлари, илғор тажрибалари, ютуқ ва муаммоларини ёритишни асосий вазифаси деб билган «XXI asr» газетаси ижодий жамоаси ҳам ушбу жараёнда фаол иштирок этиб, мулкдорлар қатлами вакилларининг севимли нашрлари қаторидан муносиб жой олди. O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг қарор ва фармойишлари мазмун-моҳиятини электоратга етказиш, парламент қуйи палатасидаги партия фракцияси, жойлардаги ҳудудий кенгашлар ҳамда депутатлик гуруҳлари фаолиятидан тортиб, бошланғич партия ташкилотлари томонидан олиб борилаётган кенг кўламли ишлар газета саҳифаларида мунтазам ёритиб борилаётгани боис муштарийларимиз сафи ҳам тобора кенгайиб бораётир.

Ижодий жамоамиз бевосита партия ҳаёти ва электорат вакилларининг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳамда меҳнат фаолиятини атрофлича ёритиш баробарида кенг ўқувчилар оммасини қизиқтирувчи, бевосита кундалик турмушимизга оид долзарб масалалар, янгиликлар, дунёда кечаётган воқеа-ҳодисалардан воқиф этиш, жойлардаги кўп сонли газетхонлардан келаётган хат-хабарлар, саволларга жавоблар, турли соҳа вакилларининг таклиф ва мулоҳазаларини чоп этишга алоҳида эътибор қаратаётир.

Ижодий жамоамиз янги йилда ҳам ўз анъаналарини давом эттириб, Сиз — азиз муштарийлар хоҳиш-истаклари, дилидаги, тилидаги мавзуларни кенг ёритиб бориш ниятида. Зеро, «XXI asr» — сизнинг минбарингиз.

Ёзинг, қўнғироқ қилинг, электрон почтамиз имкониятларидан фойдаланинг. Газета янада қизиқарли ва мазмунли бўлишига ҳисса қўшинг.

Янги йилингиз муборак бўлсин, азизлар!

# Энг буюк бойлик

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

Ана шундай дамларда Ўзбекистонда ҳамма нарса халққа яхши бўлиши учун қилинаётганига, «Ислоҳот ислоҳот учун эмас, инсон ва унинг манфаатлари учун», деган даъват кундалик ҳаётимизда акс этиб турганига иймон келтирасан киши. Давлатимиз раҳбарининг чексиз ғамхўрлигининг навбатдаги намойишини, Ватанимизда кечаётган эзгу ишларни ён-атрофда юз бераётган воқеаларга таққослар эканмиз, яна бир бор шукрона қиламиз. Қолаверса, мазкур қарор айни вақтда миллионлаб сайловчиларга яратилган қулайлик, десак муболаға бўлмайди. Зотан дам олиш кунлари ислоҳотларнинг моҳиятини янада теранроқ англаш, унинг муваффақиятини таъминлашга дахлдорлик ҳиссини кучайтиришга ҳам имконият яратади. Ота-оналар ва фарзандлар дастурхон атрофига тўпланиб, бунёдкорлик жараёнининг улкан аҳамияти ҳақида самимий мулоҳаза юритилади.

Ана шундай фарахбахш онларда Аллоҳ назари тушган юртда туғилиш насиб этганидан фахрланиб кетади, одам ва кўнглида жўш ураётган туйғуларни беихтиёр тўкиб солади.

Қанча асрлардан буён авлоддан авлодга ўтиб келаётган миллий қадриятлар, эзгуликни машъал қилган урф-одатларимиз, неча минг йиллар олисдан садо берувчи бой тарих, улуғ аждодларимизнинг закоси ила жаҳон тамаддунига муносиб ҳисса бўлиб қўшилган илмий салоҳият, бутун дунёда олтин бешик, дея таърифланадиган ўлмас маданият — халқимизнинг бебаҳо маънавий бойликларидир.

Ғалла, пахта ва ипак, чорва ва парранда, мева-сабзавот, полиз, нефть ва газ, қора ва рангли металл, қўйингки, барча табиий ресурслар, фойдали қазилмалар, пурвиқор тоғлару бепоён қир-адирлар, ҳайвоноту наботат олами тупроғи тиллога тенг юртнинг моддий бойликларидир.

Лекин Ўзбекистоннинг булардан-да буюк, булардан-да улуғ бойлиги бор. Бу – мамлакатдаги тинчлик-осойишталик. Бу – халқнинг кўнглидаги ҳаловат, хотиржамлик. Жилов ишончли қўлда эканини кўриб турганимиздир бу ҳаловатнинг боиси. Осойишталикни таъминлашга мустаҳкам қалқон бўлаётган метин иродали инсоннинг борлигидир бу хотиржамликнинг сабаби.

Шунинг учун ҳам эртанги куни, фарзандлари иқболидан кўнгли тўқ эл байрам қиляпти – Янги йил айёмини кўтаринки руҳда нишонлаётир. Тинчлик барқарор бўлган жойга байраму шодиёналар ўз оёғи билан кириб келаверади. Осуда юртнинг ҳар бир куни тароватли бўлади. Тотувлик, аҳиллик, якдиллик бор жойдан бало-қазо нари юради. Бу фикрнинг тасдиғини Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси шахсий ҳаёти, маҳалласи, қишлоғи, тумани мисолида яққол кўриб турибди, эътироф этмоқда.

Халқ ишончи – олий саодат дегани шуда аслида!

**Озод РАЖАБОВ.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛИГИГА O`zLiDeРДАН САЙЛАНГАН ДЕПУТАТЛАР РЎЙХАТИ

| № | Фамилияси, исми, отасининг исми | Туғилган йили | Депутатнинг номзодини кўрсатган органнинг номи, партияга мансублиги | Эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури) | Иш ва яшаш жойи | Сайлов огругининг тартиб рақами ва номи |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Абдукадиров Дониёр Хусанович | 1981 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, партиясиз | Тошкент шаҳар хўжалик суди судьяси | Тошкент шаҳри, Олмазор тумани | 81-Зангиота сайлов округи |
| 2. | Абдуқодиров Абдурашид Толибжонович | 1976 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, O`zLiDeP аъзоси | Фарғона политехника университети проректори | Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри | 102-Кува сайлов округи |
| 3. | Артиков Бекзод Хатамович | 1982 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, O`zLiDeP аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғининг ўринбосари | Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани | 64-Гулистон сайлов округи |
| 4. | Бабашев Қутлимурат Айтмуратович | 1975 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — збекистон Либерал-демократик партияси, O`zLiDeP аъзоси | «TOSHAFUS» Ўзбек — Корея қўшма корхонаси бош директори ўринбосари | Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани | 1-Нукус сайлов округи |
| 5. | Бафаев Шухрат Гафурович | 1963 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, O`zLiDeP аъзоси | Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг Бухоро вилояти худудий бўлинмаси раҳбари | Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри | 28-Ғиждувон сайлов округи |
| 6. | Бутаев Уткир Умирович | 1971 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, O`zLiDeP аъзоси | Ўзбекистон Республикаси «Микрокредитбанк» бошқарув раисининг биринчи ўринбосари | Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани | 113-Бешкент сайлов округи |
| 7. | Гофуров Ахмаджон Мамашарипович | 1961 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, O`zLiDeP аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати | Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани | 16-Пахтаобод сайлов округи |
| 8. | Джумаев Ойбек Чариевич | 1968 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, O`zLiDeP аъзоси | И. М. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг Тошкентдаги филиали директори ўринбосари | Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани | 69-Ангор сайлов округи |
| 9. | Джумамуратова Клара Шахназаровна | 1961 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, O`zLiDeP аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати | Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани | 105-Урганч сайлов округи |
| 10. | Жамолдинова Одинахон Расуловна | 1970 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, O`zLiDeP аъзоси | Тошкент давлат педагогика университети проректори | Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани | 92-Яйпан сайлов округи |
| 11. | Зокиров Исломжон Илхомжонович | 1979 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, O`zLiDeP аъзоси | Фарғона давлат университети декани | Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри | 101-Тошлоқ сайлов округи |
| 12. | Исмоилов Сохибжон Ибрагимович | 1963 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, O`zLiDeP аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати | Тошкент шаҳри, Олмазор тумани | 94-Бағдод сайлов округи |
| 13. | Каримов Рахматилла Хамидиллаевич | 1966 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, O`zLiDeP аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати | Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани | 132-Тўқимачи сайлов округи |
| 14. | Каримов Тулкинжон Пайзиевич | 1968 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, O`zLiDeP аъзоси | Андижон машинасозлик институти проректори | Андижон вилояти, Андижон шаҳри | 9-Андижон сайлов округи |
| 15. | Кобилов Рустам Ражаббойевич | 1984 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, O`zLiDeP аъзоси | «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Самарқанд шаҳар Кенгаши раиси | Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри | 55-Қорадарё сайлов округи |
| 16. | Кушербаев Расул Хидралиевич | 1987 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, O`zLiDeP аъзоси | «Янгийўл» ижтимоий-сиёсий газетаси бош муҳаррири | Тошкент вилояти, Янгийўл тумани | 88-Янгийўл сайлов округи |
| 17. | Мухаммадиев Мехритдин Мамадиёрович | 1968 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, O`zLiDeP аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати | Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани | 62-Ургут сайлов округи |
| 18. | Назирқулов Атхам Ахатқулович | 1966 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, O`zLiDeP аъзоси | Акциядорлик-тижорат банки «Қишлоқ қурилиш банк» бошқармаси бошлиғи | Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани | 82-Олмалиқ сайлов округи |
| 19. | Насиров Джамол Шухратович | 1985 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, O`zLiDeP аъзоси | «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Бухоро вилояти Кенгаши раиси | Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри | 27-Жилвон сайлов округи |
| 20. | Ниёзматов Бахром Бахтиёрович | 1966 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, O`zLiDeP аъзоси | Андижон вилояти ҳокимлиги Иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи | Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани | 15-Хўжаобод сайлов округи |
| 21. | Носиров Илхом Аббосович | 1966 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, O`zLiDeP аъзоси | Фарғона вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи | Фарғона вилояти, Фарғона тумани | 100-Водил сайлов округи |
| 22. | Пак Виктор Николаевич | 1958 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, O`zLiDeP аъзоси | Ўзбекистондаги корейс миллий-маданий марказлари ассоциацияси раиси | Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани | 84-Тўйтепа сайлов округи |
| 23. | Раджапов Нодирбек Мухторович | 1972 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, O`zLiDeP аъзоси | Халқ банкининг Жиззах вилояти филиали бошқарувчиси | Жиззах вилояти, Зарбдор тумани | 31-Зарбдор сайлов округи |
| 24. | Расулов Хамдамбек Курбоналиевич | 1981 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, O`zLiDeP аъзоси | Сурхондарё вилояти Адлия бошқармаси бўлим бошлиғи | Тошкент вилояти, Зангиота тумани | 68-Шеробод сайлов округи |
| 25. | Саидахметова Нилуфар Закиржоновна | 1978 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, O`zLiDeP аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги иқтисодиёт қонунчилиги бошқармаси бошлиғининг ўринбосари | Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани | 79-Бўка сайлов округи |
| 26. | Свешников Полянте Грамитонович | 1954 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, O`zLiDeP аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати | Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани | 129-Дўмбирободсайлов округи |
| 27. | Темирханова Бибисанем Таджибаевна | 1964 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, партиясиз | Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди судьяси | Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани | 2-Тўрткўл сайлов округи |
| 28. | Тохтаева Мухаббат Абдуллаевна | 1963 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, O`zLiDeP аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати | Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани | 80-Бўстонлиқ сайлов округи |
| 29. | Турдиев Содиқжон | 1952 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, O`zLiDeP аъзоси | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши раиси | Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани | 12-Шаҳрихон сайлов округи |
| 30. | Турсунов Ўткир Абдугаффорович | 1983 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, O`zLiDeP аъзоси | Навоий вилояти Адлия бошқармаси бошлиғининг ўринбосари | Навоий вилояти, Навоий шаҳри | 37-Хатирчи сайлов округи |
| 31. | Умаров Закир Сабирджанович | 1980 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, партиясиз | Тошкент шаҳар хўжалик суди судьяси | Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани | 125-Дархон сайлов округи |
| 32. | Уролова Дилфуза Джумановна | 1968 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, O`zLiDeP аъзоси | Мирзаобод тумани ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси | Сирдарё вилояти, Мирзаобод тумани | 66-Янгиер сайлов округи |
| 33. | Файзиева Дилором Хуснитдиновна | 1962 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, O`zLiDeP аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати | Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани | 130-Бодомзор сайлов округи |
| 34. | Халбутаев Эркин Эргашевич | 1977 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, O`zLiDeP аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси Жиззах вилояти худудий бошқармаси бошлиғи | Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри | 29-Жиззах сайлов округи |
| 35. | Халилова Наргиз Алихановна | 1960 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, O`zLiDeP аъзоси | Фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилояти судининг бош мутахассиси | Наманган вилояти, Наманган шаҳри | 39-Дўстлик сайлов округи |
| 36. | Хамракулов Абдуллажон Кадирович | 1973 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, O`zLiDeP аъзоси | Андижон қишлоқ хўжалик институти академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари билан ишлаш бўйича проректори | Андижон вилояти, Асака тумани | 14-Марҳамат сайлов округи |
| 37. | Ханиязов Зафар Базарбаевич | 1980 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, O`zLiDeP аъзоси | Қорақалпоғистон Республикаси «Туямўйин-Нукус» минтақалараро сув ўтказгичидан фойдаланиш бошқармаси директори | Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри | 7-Орол сайлов округи |
| 38. | Ходжаева Мувлудахон Исламовна | 1962 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, O`zLiDeP аъзоси | Фарғона вилояти ҳокими ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси | Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри | 90-Бешариқ сайлов округи |
| 39. | Ходжиев Иброхим Икрамович | 1989 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, O`zLiDeP аъзоси | «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Наманган вилояти Кенгаши раиси | Наманган вилояти, Наманган шаҳри | 46-Учқўрғон сайлов округи |
| 40. | Худоярова Гулшана Бердиназаровна | 1972 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, партиясиз | Тошкент ахборот технологиялари университетининг Қарши филиали директори ўринбосари | Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри | 116-Косон сайлов округи |
| 41. | Цветков Владислав Олегович | 1978 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, O`zLiDeP аъзоси | Тошкент шаҳар Жиноят ишлари бўйича судининг судьяси | Тошкент шаҳри, Учтепа тумани | 134-Қўйлиқ сайлов округи |
| 42. | Шадманов Адхам Хурсанбаевич | 1965 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, O`zLiDeP аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати | Тошкент шаҳри, Учтепа тумани | 51-Сўғдиёна сайлов округи |
| 43. | Шукуров Элбек Хабибуллаевич | 1988 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, O`zLiDeP аъзоси | «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши раиси | Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани | 135-Шайхонтоҳур сайлов округи |
| 44. | Эгамов Айбек Нормухаммедович | 1973 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, O`zLiDeP аъзоси | Андижон вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи | Андижон вилояти, Избоскан тумани | 13-Асака сайлов округи |
| 45. | Эргашев Кахрамон Пайзуллаевич | 1964 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, O`zLiDeP аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати | Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани | 118-Китоб сайлов округи |
| 46. | Эрназаров Комилжон Юлдашалиевич | 1984 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, O’zLiDeP аъзоси | Сирдарё вилояти иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи | Сирдарё вилояти, Сирдарё тумани | 65-Сайхун сайлов округи |
| 47. | Эшназаров Тулкин Шералиевич | 1963 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, O`zLiDeP аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти илмий котиби | Тошкент шаҳри, Олмазор тумани | 58-Пастдарғом сайлов округи |

## 2014 «СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ»ДА ЭРИШИЛГАН ЮТУҚЛАР: ДАЛИЛ ВА РАҚАМЛАР

Давоми. Бошланиши 2-саҳифада ▼

Соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида 6 та туман тиббиёт бирлашмаси ва 9 та вилоят тиббиёт муассасаси реконструкция қилиниб, замонавий усулда жиҳозланди. Бунинг учун 19 млрд. сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

12 та касб-ҳунар коллежини мукаммал таъмирлаш, иккита касб-ҳунар коллежини капитал реконструкция қилиш ва уларни ўқув мебеллари, компьютер синфлари, лаборатория жиҳозлари ва бошқа инвентарлар билан таъминлашга 9 млрд. сўм йўналтирилди.

19 та умумтаълим мактабини реконструкция қилиб, 11 та умумтаълим мактабини мукаммал таъмирлаш ҳамда 858 та мактабни ўқув-лаборатория жиҳозлари, компьютер техникаси, мебель ва инвентарлар билан таъминлаш учун **22,7 МЛРД. СЎМ** маблағ ўзлаштирилди.

**13,8 МЛРД. СЎМ** маблағ эвазига учта болалар мусиқа ва санъат мактаби, 8 та болалар спорти объекти қурилди (реконструкция қилинди).

Кам таъминланган оилалардаги **15 МИНГ 908 НАФАР ҚИЗГА 248 МЛН. 500 МИНГ** сўмлик спорт кийимлари бепул берилди.

**45 833 НАФАР** биринчи синф ўқувчиларига 12 номдаги ўқув қуроллари жамланмаси ва 549,996 млн.та дарсликлар совға қилинди. Умумтаълим мактабларининг 46 минг нафардан зиёд 2-синф ўқувчиларига чет тили дарсликлари мультимедиа қўлланмалари билан бирга бепул тарқатилди.

Ўқувчиларнинг ёзги дам олиш даврида 122 та кундузги мактаболди ва коллежлар қошида ташкил этилган оромгоҳларда **12 222 НАФАР** бола соғломлаштирилиб, шаҳар ташқарисида фаолият юритаётган 8 та болалар оромгоҳида 5500 нафари мириқиб дам олди.

«Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин» шиори остида ташкил этилган акция доирасида вилоятнинг чекка ҳудудларида ҳам аҳоли чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилиб, аниқланган касалликларни даволаш чоралари кўрилди.

***

**ХОРАЗМ.** «Соғлом бола йили» Давлат дастурининг вилоятдаги ижроси Урганч шаҳри, барча туманлар, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларининг ижтимоий қиёфаси ўзгариши, соғлом турмуш тарзининг мустаҳкамланиши, энг муҳими, келажагимиз эгалари бўлган болаларга, уларнинг жаҳон андозалари даражасида таълим-тарбия олиши, спорт билан мунтазам шуғулланиши, сиҳатини янада мустаҳкамланишига йўл очиб берди.

Вилоят ҳокимлигидан олинган маълумотларга кўра, бу муҳим ҳужжатнинг жорий йил 4 мартида тасдиқланган ҳудудий дастури 7 бўлим, 108 банддан иборат бўлиб, унинг ижросига **366,6 МЛРД.** сўм сарфланиши режалаштирилганди. Амалда эса мазкур мақсадлар учун 404,9 миллиард сўм йўналтирилди. Бошқача айтганда, бу борада 110 фоизлик натижага эришилди. Маблағларнинг **135 МЛРД. СЎМИ БЮДЖЕТ, 111 МЛРД.** сўми ижрочилар ва ҳомийлар, **157 МЛРД.** сўми тижорат банклари кредитлари ҳисобидан ажратилди. Халқаро молия институтлари томонидан бу мақсадлар учун 930 млн. сўмлик грантлар йўналтирилди.

Айниқса, «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида таълим тизимидаги муассасаларда, умумтаълим мактаблари ва касб-ҳунар коллежларида таҳсинга лойиқ ишлар бажарилмоқда. Хусусан, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси манзилли дастури асосида вилоятдаги умумтаълим мактабларида янги спорт заллари қурилди. Бунёд этилган мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчилар орасидан янги истеъдодларни кашф этмоқда.

Вилоятда давлат дастурининг иккинчи бўлими ижроси ҳам диққат марказида турибди. Маълумки, бу бўлим соғлом боланинг дунёга келишида ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ кўп қиррали ишларни ўз ичига олади. Вилоятда «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базаси янада мустаҳкамланди, аҳолининг кенг қатламлари, айниқса, оналар ва болалар чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. Тиббиёт муассасаларини капитал реконструкция ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Уларнинг аксарияти замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Қишлоқ врачлик пунктларига эътибор кучайтирилиб, бир қанчаси янги, замонавий тиббий ташхис ва даволаш ускуналари билан таъминланди.

***

**ҚАШҚАДАРЁ.** Вилоят ҳокими қарорига мувофиқ, «Соғлом бола йили» ҳудудий дастурини амалга ошириш учун **352,0 МЛРД.** сўм миқдорида маблағ сарфлаш кўзда тутилган бўлса-да, жорий йилнинг 11 ойи давомида ушбу мақсадлар учун **492 МЛРД. 605 МЛН.** сўм харажат қилиниб, белгиланган режа **140 ФОИЗГА** бажарилди.

Сарфланган маблағларнинг **149,0 МЛРД.** сўми бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар, **137,0 МЛРД.** сўми ҳомийлар ва ижрочилар, 206,6 млрд. сўми тижорат банклари кредитлари ҳиссасига тўғри келади.

Дастур доирасида **123 ТА** кам таъминланган оилалар фарзандларининг суннат ва 67 нафар ёшларнинг никоҳ тўйлари ўтказиб берилди. Қарши шаҳрида 6 та, Шаҳрисабз туманида 4 та оилавий поликлиника ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 июндаги «2013-2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан Яккабоғ, Касби ва Қамаши туманларидаги 11 та маданият ва аҳоли дам олиш марказларида капитал таъмирлаш ишлари олиб борилди. 6 та болалар майдончалари янгидан қурилиб, 45 таси таъмирланди.

Тижорат банклари томонидан **544 ТА** оилага **3 МЛРД. 219 МЛН.** сўмлик истеъмол кредитлари берилди. Чекка ҳудудларда «Гўзаллик салони», таъмирлаш ва тикув цехи, маиший техникага техник хизмат кўрсатишга мўлжалланган 13 та комплекс очилди. **137 НАФАР** кам таъминланган оилага электр-маиший техника товарлари олиб берилди.

**1410 НАФАР ХОТИН-ҚИЗГА 36 МЛРД. 600 МЛН.** сўм имтиёзли кредитлар ажратилиб, 1257 та янги иш ўрни яратилди. «Ёш оилаларга — уй-жойлар» дастури бўйича кўп квартирали уй қуриш ишларини амалга ошириш учун банклар томонидан 15,0 млрд. сўмлик ипотека кредитлари ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 15 ноябрдаги «2014 йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши Дастури тўғрисида»ги қарорига асосан 13 та туманнинг 29 та массивида **1172 ТА ЯНГИ УЙ-ЖОЙ** барпо этилди.

2014 йилги Инвестиция дастурига асосан аҳоли пунктларида ичимлик сув таъминотини яхшилаш учун 8,8 млрд. сўм республика бюджети маблағлари ажратилиб, жами 33 та объект, шундан 4 та қишлоқ аҳоли пунктлари ва 29 та намунавий уй-жой массивида **81,5 КМ. ИЧИМЛИК СУВ** тармоқлари қурилди ва реконструкция қилинди.

Тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида Қарши, Ғузор ва Яккабоғ туманларида 150 ўринли кўп тармоқли поликлиникалар капитал реконструкция қилинди.

Вилоятдаги 11 та болалар спорт объекти фойдаланишга топширилди. Жумладан, 9 та мактабга қўшимча спорт заллари қурилди ҳамда 2 та БЎСМ реконструкция қилинди.

**26787 НАФАР БОЛА** имтиёзли, шунингдек, **3550 НАФАР** кам таъминланган оилалар фарзандлари, **250 НАФАР** «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчилари бепул йўлланмалар билан таъминланиб, соғломлаштирилди.

Давоми. 4-саҳифада ▶

# ЖАРАЁН

## 2014 «СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ»ДА ЭРИШИЛГАН ЮТУҚЛАР: ДАЛИЛ ВА РАҚАМЛАР

Давоми. Бошланиши 3-саҳифада

**НАВОЙИ.** «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида **249,3 МЛРД.** сўм маблағ сарфлаш кўзда тутилгани ҳолда амалда **254,6 МЛРД.** сўм, **2,2 МЛН. ЕВРО** ҳамда **98700,0 ДОЛЛАР** ҳажмдаги маблағ йўналтирилиб, бу борадаги режа 107,5 фоизга бажарилди.

Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун жами **10362,7 МЛН.** сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди.

Марказий банкнинг вилоят бош бошқармаси, тижорат банклари, «Камолот» ЁИҲ вилоят кенгаши ҳамкорлигида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида ёш оилаларга уй-жой сотиб олиш, қуриш ва реконструкция қилиш учун 9033,0 млн. сўм имтиёзли ипотека кредитлари берилди.

Вилоят бўйича 17 та массивда 63 та пудрат корхоналари томонидан қиймати **107,8 МЛРД.** сўмга тенг бўлган **677 ТА УЙ-ЖОЙ** қурилди. **170 259 НАФАР** бола чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди.

**«СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА 249,3 МЛРД. СЎМ МАБЛАҒ САРФЛАШ КЎЗДА ТУТИЛГАНИ ҲОЛДА АМАЛДА 254,6 МЛРД. СЎМ, 2,2 МЛН. ЕВРО ҲАМДА 98700,0 ДОЛЛАР ҲАЖМДАГИ МАБЛАҒ ЙЎНАЛТИРИЛИБ, БУ БОРАДАГИ РЕЖА 107,5 ФОИЗГА БАЖАРИЛДИ.**

Тиббий кўрикларнинг аҳамияти бўйича маҳаллаларда, оилаларда тушунтириш ишлари олиб борилди. Хусусан, манзилли режа асосида никоҳга кираётган шахсларнинг тиббий кўриги сифатини яхшилаш, улар ўртасида ирсий ва туғма касалликларнинг олдини олишни кенг тарғибот қилиш мақсадида никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўригининг моҳиятига доир 497 та учрашув, 8 та семинар ва 79 та давра суҳбати ўтказилди.

Спорт билан мунтазам шуғулланаётган қизларни рағбатлантириш мақсадида туман ва шаҳар комиссиялари томонидан 6-18 ёшдаги 5948 нафар қиз рўйхати шакллантирилиб, уларга спорт кийимлари Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда вилоят ҳокимлиги томонидан ҳудудларга бириктирилган масъуллар иштирокида тантанали равишда топширилди.

Мактабгача таълим муассасаларини жорий ҳамда капитал таъмирлаш мақсадида 113 та муассасанинг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, 67 тасида жорий ва капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Мазкур тадбирлар учун жами **4548,0 МЛН.** сўмлик маблағ сарфланди.

Вилоят халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги мактаб ва мактабдан ташқари таълим муассасаларига 20 та спорт тури бўйича **56763 НАФАР** бола соғломлаштириш ва мунтазам тўгаракларига жалб этилди. 161 та касбий йўналиш бўйича тўгаракларга **3760 НАФАР** ўқувчи қамраб олинди.



**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ:** «Соғлом бола йили»да ҳудудда биргина спорт соҳасида эришилган натижаларнинг ўзи талайгина. Хусусан, олис қишлоқларда спорт мактаблари қуриб фойдаланишга топширилаётгани, уларда ёшларимиз спортнинг ўзлари танлаган турлари бўйича шуғулланишлари учун барча шароитлар муҳайё қилингани фикримиз исботидир.

Ҳозирда вилоятда жами **4092 ТА** спорт иншооти бўлиб, улардан 31 тасини стадиони, **852 ТАСИНИ** спорт зали, **3171 ТАСИНИ** спорт майдончаси, 20 тасини эса бассейн ташкил этади. Ниҳоясига етган йилда мавжуд спорт иншоотларини реконструкция қилиш, янгиларини барпо этиш, уларни замонавий, сифатли анжомлар билан жиҳозлаш ишлари изчил олиб борилди. 2014 йил учун тасдиқланган «Манзилли дастур»га киритилган **14 ТА ОБЪЕКТ**, жумладан, 7 та умумтаълим мактаби спорт зали, 5 та болалар мусиқа ва санъат мактаби, 2 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби реконструкция қилинди.

Амалга оширилган ана шундай хайрли ишларнинг натижаси ўларок, нуфузли мусобақаларда иштирок этаётган ва совринли ўринларни эгаллаётган ёшларнинг сони тобора ортиб бормоқда. Биргина ўтган 2014 йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан хорижий давлатлардаги баҳсларда вилоятнинг **32 НАФАР ЙИГИТ-ҚИЗИ ИШТИРОК ЭТИБ, 15 ТА ОЛТИН, 11 ТА КУМУШ, 9 ТА БРОНЗА — ЖАМИ 35 ТА МЕДАЛНИ** қўлга киритди. Жумладан, Мафтуна Тўрақулова, Фаррух Омонов, Равшан Турдибоев ҳамда Хумора Йўлдошева учун ҳам йил омадли якунланди. Негаки, улар Тошкент вилоятининг турли шаҳар ва туманларида жойлашган спорт мактаблари, тўгаракларида эгаллаган маҳоратлари эвазига спортнинг гандбол, таэквондо, карате йўналишлари бўйича халқаро мусобақаларда барча рақиблари устидан ғалабага эришишиб, шода-шода медаллар соҳиби бўлишди. Улар шарафига Ватанимиз байроғи юқори кўтарилиб, мадҳиямиз янгради. Буларнинг барчаси давлатимизда ёшларга оид сиёсатнинг нечоғли тўғри олиб борилаётганидан далолатдир.

# Маънавият — муваффақият мезони

**Тадбиркорлик халқимизга хос азалий фазилатлардан бири. Олис ўтмишга назар ташласак, эл-юрт шу фазилат боис ўта мураккаб шароитларда ҳам муаммоларнинг адолатли ечимини топа олган, бамаслаҳат иш кўриб, пухта режалар асосида қийинчиликларни омилкорлик билан енгиб ўтган. Дунёга машҳур Буюк ипак йўлининг ўзиёқ бу кўҳна заминда одамлар азал-азалдан тадбиркор, ишбилармон бўлишгани, бундай кишилар учун зарур шароитлар яратилгани ва янада муҳими — уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилинганининг далолатидир. Орадан неча асрлар ўтганига қарамай, бу буюк йўлнинг тарихи ва тажрибаси тарихчиларни ҳамон қизиқтираётганининг боиси ҳам шунда**

**А.АҲМЕДОВ**

Тадбиркорлар барча замонларда ҳам қитъалар, мамлакатлар, миллату элатлар ўртасида фойдали ҳамкорлик алоқаларини, жумладан, савдо-сотиқни, мол айирбошлашни йўлга қўйиб, юрт фаровонлиги, тинчлик-тотувликни таъминлаш ишига ўз ҳиссаларини қўшиб келганлар. Қаерда тадбиркорлик, ишбилармонлик ривож топса, бу соҳа кишиларига рағбат берилса, ўша ерда ўсиш, ривожланиш бўлган, халқнинг турмуш тарзи яхшиланган. Ҳар бир тадбиркор ўз ёнига уқувли, лаёқатли ёшларни олиб, уларга устозлик, йўлбошловчилик қилган, фойдали иш билан банд бўлишларига кўмаклашган.

Баъзан «Туманимизда ёки вилоятимизда тадбиркорлар сони шунчадан шунчага ошди», деган ҳисоботларга ҳам дуч келамиз. Мулоҳаза юритиб кўрайлик: тадбиркорлик нима — касбми, туғма истеъдодми, ё отадан болага, авлоддан авлодга ўтувчи илоҳий иноятми? Бу саволга: «Касб ҳам, истеъдод ҳам, илоҳий иноят ҳам», деб жавоб бериш мумкин. Ҳақиқий тадбиркор бу ишни касб даражасига етказади, бунинг учун, энг аввало, истеъдодини, фикру зикрини ишга солади, тажрибали тадбиркорларнинг иш усулларини ўрганади, йиллар давомида меҳнат қилади, изланади. Ҳисобдан янглишиб, даромад ололмай қолганида ҳам ниятидан қайтмайди. Аксинча, қаерда хатога йўл қўйганини аниқлаб, ишни қайтадан бошлайди, режаларини янада пухталаштиради. Тадбиркорлик шундай соҳаки, бу иш билан шуғулланаман, деб енг шимарган кишиларнинг ҳаммасига ҳам омад кулиб боқмайди. Айниқса, дастлабки кезларда кутилмаган ҳолатларга дуч келиш мумкин. Майдонда кураш тушаётган полвон ўзидан кичикроқ, кучсизроқ рақибидан йиқилиб қолса, машқни кучайтириб, кейинги олишувда ғалаба қозонади. Тадбиркорликда ҳам шундай: йўл қўйилган ҳар бир хато кейинги муваффақиятга асос бўлади.

Тадбиркор бозорни кузатиши, қаерда қандай маҳсулот мавжудлигини, унинг сифатини, одамларнинг харид қуввати-ю, таклиф ва эҳтиёжни ўрганиши, шу асосда мақбул қарор қабул қилиши зарур. Чинакам тадбиркор, биринчи навбатда, эл-юртга беминнат хизмат қилиш, бозорни хилма-хил маҳсулотлар билан тўлдириш учун ҳам бу хайрли ишга бел боғлайди. Нима қилиб бўлса-да, фойда кўришни, даромад кетидан қувишни ўйлайдиганлар, шу мақсадда сунъий тақчилликни юзага келтирадиганлар, аслида, бу соҳага тасодифан кириб қолган кишилардир. Тарихий манбаларда ёзилишича, фойда ортидан қувиб, бозорга сохта, сифатсиз маҳсулот олиб чиққан, ҳисоб-китобда ғирромлик қилган, харидорни алдаган, ҳақига хиёнат қилган «тадбиркор»ларга қадимда жазо чоралари қўлланилган. Уларнинг усти ялтироқ, ичи қалтироқ буюмлари бозор дарвозаларига ҳамма кўриши ва бундай сохтакорлардан ҳеч нарса харид қилмаслик учун осиб қўйилган.

Шу маънода, чинакам тадбиркорларни миллатпарвар, фидойи инсонлар дейиш мумкин. Қадимда тижорат билан шуғулланувчи кишиларга айни шундай муносабатда бўлишган. Чунки улар ўзга юртларда кўрган яхши амаллари, хайрли-савобли ишлар тўғрисида сўзлаб берганлар, «фалон юртда мана бундоқ урф-одат, удум бор экан», дея эзгуликларни тарғиб-ташвиқ қилишган. Бундан-да муҳими, тадбиркорлар ўзга юртларга боришганда, ўз юртлари, ватандошлари тўғрисида яхши таассурот қолдиришга ҳаракат қилишган, беодоб хатти-ҳаракатлардан тийилишган, бировнинг мулкига кўз олайтиришмаган, харидорларнинг ишонч-эътиборини қозонишган, таъбир жоиз бўлса, ҳалоллик, поклик, диёнатлилик элчилари бўлишган. Соҳибқирон Амир Темур даврида Самарқандга келган кўплаб элчилар, айниқса тужжорлар, бу юртда раиятни бошқаришда адолат тамойилларига қатъий амал қилинишини ўз кўзлари билан кўрганлар ва бу тўғрида ўз ҳукмдорларини хабардор қилишган.

Собиқ тузум дунё дунё бўлганидан бери ҳеч бир жамиятда қўлланилмаган, соғлом мантиққа зид иш қилди — тадбиркор, ишбилармон кишиларнинг йўлини тўсди, қўл-оёғини боғлади. Тадбиркорлик қонун йўли билан тақиқлаб қўйилди. Мустабид салтанатнинг инқирозга юз тутиши сабаблари эндиликда ҳаммага аён, аммо шу биргина калтабин тақиқнинг ўзи ҳам таназзул учун етарли эди. Чунки тадбиркорлик ривожланмаган, одамларнинг ташаббуслари, ғайрат-шижоатлари қўллаб-қувватланмаган жойда тараққиёт, юксалиш бўлмайди, миллатнинг фаровон ҳаёти, обод турмуш тарзи ҳақида эса гап бўлиши мумкин эмас.

Мустақиллик бундай ғайриинсоний, ғайриахлоқий тақиқларга барҳам берди. Мулкка, мулкдорларга, тадбиркор ва ишбилармонларга муносабат тубдан ўзгарди. Давлатимиз раҳбари истиқлол тақдирини, ҳаётимизнинг барча соҳаларида ўтказилиши лозим бўлган ислоҳотлар муваффақиятини, озод юрт келажаги-ю, миллат равнақини, янгидан қад ростлаётган эркин жамият пойдеворининг мустаҳкамлигини тадбиркорлар деб аталмиш янги ижтимоий қатламнинг пайдо бўлиши билан боғлади.

Эътироф этиш керакки, тараққиётнинг «ўзбек модели»га биноан мамлакатда тадбиркорликка кенг йўл очилди, бу соҳа учун қулай шароит, мустаҳкам ҳуқуқий асоснинг юзага келиши, кўпдан-кўп имтиёзлар жамиятнинг ҳар бир аъзоси учун мамлакат Конституциясида белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлардан тўла фойдаланиш имконини берди. Истиқлол, энг аввало, ҳуқуқ бўлиб онг-шууримизга сингди. Натижада одамларнинг фикри, дунёқараши ўзгарди, кўнглида жамият тараққиёти учун масъуллик ҳисси пайдо бўлди, ёшлар ижтимоий жиҳатдан фаоллашди, элимизнинг бугунгидан-да фаровон ҳаёт кечириш, орзу-умидларни тўла рўёбга чиқаришга бўлган ишончи ортди. Бугун Ўзбекистон ривожланган давлатлар сафидан мустаҳкам жой олиш йўлидан бораётган, иқтисодиётни модернизация қилиш борасида эътиборга молик муваффақиятларга эришаётган экан, бунда мамлакат бўйлаб тобора кенг қулоч ёзаётган тадбиркорлик ва ишбилармонлик ҳаракатининг муносиб ҳиссаси бор, албатта.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бугун дунё эътироф этаётган натижалари ҳақида сўз юритганда, иқтисодий кўрсаткичлар билан бир қаторда, халқимизнинг турмуш тарзида, дунёқараши ва онг-шуурида юз бераётган ўзгаришларни ҳам тилга олиб ўтиш ўринли бўлади. Давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан жойларда маҳаллий ишлаб чиқариш ривожланаётгани, қишлоқларимизга кичик саноат корхоналари кириб келаётгани, замонавий инфратузилма шаклланаётгани, ёш оилаларга уй-жой қуриш учун тегишли имкониятлар яратиб берилаётгани, қурилишлар намунавий лойиҳалар асосида олиб борилаётгани бугунги кунимизнинг оддий воқелиги бўлиб қолди. Халқ эртакларида тасвирланган улкан қурилишларни реал ҳаётда кўриб турибмиз. Бундан атиги йигирма уч йил аввал бугунги бунёдкорлик ишларини ҳатто тасаввур ҳам қилиш қийин эди.

Истиқлолимизнинг ҳар бир йили мамлакатимизда эркин демократик жамият қурилиши солномасини алоҳида, сермазмун саҳифа билан безаб боради. Ҳар бир йил мустақиллик даврида кечаётган умримизда, онг-шууримизда, турмуш тарзимиз ва ўй-қарашларимизда ўзига хос из қолдиради. Бугун биз ўтган асрнинг тўқсон биринчи йили кузидан бошланган янги, эркин ҳаётимиз тарихига назар ташлар эканмиз, шу қисқа вақт ичида Юртбошимиз раҳбарлигида нақадар мураккаб йўлни босиб ўтганимизга амин бўламиз. Дунё ҳамжамияти Ўзбекистон ўзи танлаган, кўпмиллатли меҳнатсевар, аҳил-иноқ халқи манфаатларига мос йўлдан дадил одимлаётганига, ҳар бир йилни барча соҳалар бўйича муваффақиятли якунлаб, янада фаровон ва бахтли ҳаёт тадоригини кўраётганига гувоҳ бўлиб турибди.

Иқтисодиётни тўғри ташкил этиш, жамият аъзоларининг иқтисодий тафаккурини ўстириш ҳар қандай давлат учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ўтган йиллар ичида орттирилган тажрибадан англашиладиган хулоса шуки, мамлакатимизда хорижий инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича тегишли қонунчиликнинг юзага келиши, тадбиркорлик ва ишбилармонлик йўлига қўйилган сунъий тўсиқларнинг олиб ташланиши қисқа муддат ичида аҳволни ижобий томонга ўзгартириш, иқтисодиётни изга солиш билан бирга, уни барқарор ривожлантириш, аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш имконини берди.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, бу борадаги ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида», «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» ҳамда «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари кенг имкониятлар яратиб берди. Натижада мамлакатимиз қисқа вақт ичида саноати тез суръатлар билан ривожланиб бораётган, замонавий илғор тармоқларга эга бўлган, жаҳон бозори талабларига мос харидорбоп товарлар ишлаб чиқараётган мамлакатлар сафидан ўрин олди.

Бу йўналишдаги ишлар бундан буён ҳам давом этади. Чунончи, 2011-2015 йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар кўламини янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш бўйича тасдиқланган чора-тадбирлар Дастурини амалга ошириш доирасида тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш, хусусий мулк устуворлигини таъминлаш ва унинг ҳуқуқий муҳофазасини кучайтириш, корхоналарнинг молия-хўжалик фаолиятига давлат ва назорат қилувчи идораларнинг асоссиз аралашувига барҳам бериш кўзда тутилмоқда. Тадбиркорлик субъектларининг давлат, ҳуқуқни муҳофаза этувчи ва назорат қилувчи органлар билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлар ҳуқуқларининг устуворлигини таъминлашга янада жиддий эътибор берилди. Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш, уларни муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш, экспорт товарларини божхонада расмийлаштириш тартиблари соддалаштирилди, божхона тўловлари камайтирилди. Кичик бизнес субъектларида, улар рўйхатга олинган кундан бошлаб уч йил мобайнида солиққа оид режали текширишлар ўтказилишини тақиқловчи қатъий тартиб жорий этилди. Давлат томонидан харид қилишнинг янги, такомиллаштирилган, очиқ ва ошкора механизми ўрнатилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳисоботларини электрон тизимда босқичма-босқич қабул қилишнинг тартиблари ишлаб чиқилди.

Шундай кунларни узоқ кутгандик. Истиқлол бу орзуларимизни рўёбга чиқарди. Ўқиш, ишлаш, яратиш учун барча имкониятлар мавжуд. Юртимиз тинч, кўнглимиз равшан, мақсадимиз аниқ. Аммо эришилган ютуқлар билан қаноатланиб қолмаслик керак. Дунё муттасил ўзгариб турибди. Бир томонда янгиланиш, эврилишлар давом этаётган бўлса, иккинчи томонда иқтисодий бўҳронлар, молиявий инқироз бели бақувват мамлакатларни ҳам муаммолар гирдобига тортмоқда. Мафкуравий тазйиқлар, ошкора-пинҳона хуружлар, бўлинган дуёни қайта бўлиб олиш, янги-янги ҳудудларни иқтисодий, сиёсий манфаат доирасига олиш ҳаракатлари ҳали-вери тинмайдиган кўринади. Энг ташвишлиси, ёш авлод онги ва қалбини эгаллаш, миллий туйғуни заифлаштириш, йигит-қизларни ўзга қадриятлар оғушига олиш учун кураш мисли кўрилмаган даражага кўтарилди. Бундай шароитда халқимизга азалдан хос бўлган яна бир тадбиркорлик — огоҳлик ва зукколик, фикр уйғоқлиги, кузатувчанлик, чуқур мулоҳаза, босиқ-вазминлик, узоқни ўйлаб иш тутиш, таълим-тарбияга бефарқ бўлмаслик ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бойлик, куч-қудрат еча олмаган тугунни маънавият деб аталмиш инсоний фазилат ечиши мумкин. Истиқлол йилларида бунга кўп бор амин бўлдик, шу боис маънавият ҳаётимизнинг ўзаги бўлиб қолди. Бу ўзак молиявий танглик машаққатини бошидан кечираётган дунё мамлакатлари учун ҳам халоскор куч бўлиши аниқ.

Нуфузли форумларда бугун дунёнинг катта бир қисмини эгаллаб олган молиявий-иқтисодий таназзулнинг сабабларидан бири — иқтисодиётнинг, банк-молия тизимининг маънавиятдан, инсон манфаатларидан узоқлашиши, дея эътироф этилмоқда. Бундан англашиладики, инсониятга соя ташлаб турган муаммоларнинг ечими ҳам айни шу хулоса замиридадир.

## СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ!

**«Солиқ тўловчилар учун янги интерактив хизматлар жорий этилганлиги ҳақида эшитиб қолдим. Шу ҳақда маълумот берсангиз.**
Дилноза ҲАМРОЕВА, тадбиркор. Тошкент шаҳри».

— Ҳозирги кунда мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар фаолиятини рағбатлантириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Давлат солиқ қўмитаси томонидан бир қатор интерактив давлат хизматлари жорий этилганки, улар тегишли ҳисоботларни солиқ идораларига электрон шаклда юбориш имконини бераяпти.

Солиқ тўловчилар учун қўшимча қулайлик яратиш мақсадида мобиль алоқа орқали «Солиқ тўловчи жисмоний шахсларнинг солиқ қарздорлиги юзасидан СМС-ахборот бериш», «СТИР ҳақида СМС-ахборот бериш» каби интерактив хизматлар тизими йўлга қўйилган. Шу мақсадда 1077-сонли қисқа рақам ижарага олинган бўлиб, республиканинг барча уяли алоқа воситалари орқали солиқ тўловчиларга СМС хизматлари кўрсатилмоқда.

Қолаверса, кейинги йилларда йўлга қўйилган «Норматив ҳужжатлар», «Солиқ органларининг расмий тушунтиришлари», «Солиқ низоларини кўриб чиқиш», «Кўп учрайдиган саволлар», «Жисмоний шахслар солиқлари бўйича маслаҳатчи», «Ўз бизнесингни ярат» каби интерактив давлат хизматлари ҳам барча учун манфаатли бўлаётир.

*Саволга Учтепа туман солиқ инспекцияси бўлим бошлиғи Анвар Замонов жавоб берди.*

## Шерзоднинг антиқа ихтироси



«Шўртангазкимё» мажмуаси қишлоқ хўжалик тармоғи ходими Шерзод Назаров антиқа робот яратди. Темир одам хонадон соҳибини уйқудан уйғотади, ишга бориш кераклигини билдиради. Юз-қўлини ювгунча чой дамлаб қўйган бўлади. Бўйи бир метрдан узунроқ роботни машинада олиб юриш мумкин. Эътиборлиси, бу ихтиро Шерзод яратган роботларнинг учинчи авлоди саналади. Зеро, Ш.Назаров Ғузор туманидаги 2-мактабда ўқиб юрган кезларида тунукадан одамга ўхшаш робот ясаганди. Шу зайлда изланишда давом этиб, чой дамлайдиган роботни яратган қаҳрамонимиз бу йил кўпроқ функцияни бажарадиган ёрдамчини ясашга эришди. Хусусан, бу робот бирор корхона ва ташкилот биносига жойлаштирилса, ҳаракатлантирувчи мосламалар ёрдамида юриб, олдидан чиққан тўсиқни сезган ҳолда олдинга юриши ва ортга қайтиши мумкин. Елкаларида ўрнатилган тунги ёритгич ва камера ёрдамида кеча-ю кундуз ишлайдиган учинчи авлод вакили ёнғинни сезиши билан хотирасига жойлаштирилган телефон рақамларига қўнғироқ қилиб, ўт ўчириш ходимларини огоҳлантириши мумкин.

Сўнгги роботи билан «Юрт келажаги» танлови вилоят босқичида ғолиб бўлган ихтирочи йигитнинг фикрича, унинг устозлари кимё, физика ва математика фанларидир.

— Агар соҳани мукаммал биладиган устозим бўлганда, бундан-да каттароқ ютуқларни қўлга киритардим, — дейди у.

**Сайфулла ИКРОМОВ.**

## Доимо огоҳ бўлинг!

Халқимизнинг тинч ва осойишта яшаши кўплаб омилларга боғлиқ. Ана шулардан бири жойларда ёнғин хавфсизлигини таъминлашдир. Бекорга «Олов – тилсиз ёв», дейилмайди.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, бепарволик ёки масъулиятсизлик оқибатида содир бўладиган ёнғин нафақат ён-атрофдагилар, балки давлатга ҳам катта моддий ва маънавий зарар етказади.

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек тумани Ички ишлар бошқармаси Ёнғин хавфсизлиги бўлими ходимлари жойларда кенг миқёсдаги тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришмоқда. Хусусан, аҳолининг огоҳлиги ва ҳушёрлигини ошириш, турар-жойлар ва халқ хўжалиги иншоотларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш юзасидан тегишли чора-тадбирлар кўрилаяпти.

Кейинги йилларда шаҳримизда қурилиш ишлари ҳажми ортиб бораётгани ҳам ушбу масалага алоҳида эътибор қаратишни тақозо этмоқда. Баъзи объектларда ўрнатилган ёритиш ҳамда иситиш ускуналари хавфсизлик талабларига тўла жавоб бермаслиги ҳам ҳақиқат. Шу боис туман ёнғин хавфсизлиги ходимлари жойларда бўлиб, «тилсиз ёв»нинг ҳаётимизга ҳалокатли таъсирини аниқ мисоллар орқали тушунтириб бермоқда.

Кейинги йилларда пиротехника воситаларидан фойдаланишга қатъий чек қўйиш, тўй ва бошқа маросимларда юз бериши мумкин бўлган бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда изчил ишлар олиб борилмоқда. Бундан мақсад турмуш осойишталиги, эртанги кунимизнинг янада хотиржам бўлишини таъминлашдан иборатдир.

**Баҳром СОДИҚОВ, кичик сержант.**

# БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

**«XXI ASR»** 2015-yil 1-yanvar, payshanba, 01 (581)-son, **www.21asr.uz**, e-mail: xxi_asr@mail.ru

## Ҳали ишга солинмаган имкониятлар бор

**O`zLiDeP дастурида партия ўз олдига қўйган мақсадларга амалий ишлар, энг аввало, тадбиркорлар, фермерлар ҳамда ўз электоратининг бошқа вакиллари манфаатларини ифодалайдиган аниқ сиёсат юритиш орқали эришиши белгиланган. Аҳолининг турли қатламлари билан юзма-юз иш олиб борувчи БПТлар зиммасига бу борада қатор вазифалар юклатилган**

**Муҳаббат РАВШАНОВА,**
**Беҳзод ИСРОИЛОВ**
«XXI asr»



«Кафолат» давлат-акциядорлик суғурта компаниясининг Самарқанд вилоят филиалида ташкил қилинган партия таянч тузилмаси фаоллари ана шу масъулиятни ҳис этган ҳолда иш олиб бораяпти. Бошланғич ташкилот раиси Арслон Ҳайитовнинг айтишича, у 2013 йил аввалида партия ҳудудий кенгашлари томонидан уюштирилган туркум тадбирларда қатнашгач, O`zLiDeP дастурий ғояларига қизиқиши янада кучайиб, ушбу сиёсий куч сафида бўлишга қарор қилган. Орадан кўп ўтмай, компанияда 6 нафар аъзодан иборат қуйи бўғинга асос солган. Ана шундан буён фаоллар партиявий вазифаларни бажаришга сидқидилдан ёндашмоқдалар.

Масалан, 2014 йил мобайнида партия шаҳар кенгаши билан мазкур қуйи тузилма ҳамкорлигида хусусий сектор вакиллари билан иш олиб борувчи ташкилотлар, маҳаллий бошқарув органлари, депутатлар жалб қилинган ҳолда «Кичик бизнесни ривожлантириш бўйича O`zLiDePнинг устувор йўналишлари», «Хизмат кўрсатиш ва сервис: муаммолар ва уларнинг ечимлари», «Мулк суғуртаси афзалликлари», «Суғурта — тадбиркорнинг молиявий манфаатларини ҳимоялаш воситаси» сингари долзарб мавзуларга бағишланган тадбирлар ўтказилди. Бу жараёнда интерфаол усуллардан кенг фойдаланилди. Жонли мулоқотларнинг юқори савияда ўтишига қуйи бўғин аъзоларидан Зафар Маматов ва Мадамин Тиловов сезиларли ҳисса қўшди.

Айни пайтда БПТ аъзолари «Диплом билан — бизнесга» лойиҳасида қатнашиб, банклардан имтиёзли кредит олишга эришган ёшларга суғурта, унинг турлари хусусида батафсил маълумотлар бераяпти. Шу аснода ўз бизнесини бошлаган кўплаб йигит-қизлар компаниянинг суғурта полисига эга бўлганини қайд этиш жоиз.

БПТнинг кенгайтирилган йиғилишларига партиянинг вилоят, шаҳар кенгашлари раҳбарлари, бошланғич ташкилотлар раислари таклиф қилиниб, ўзаро фикр алмашилаётганлиги, истиқболга мўлжалланган вазифалар белгиланаётганлиги юқори органлар билан узвий алоқа ўрнатилганидан далолат. Ана шундай мажлисларда асосли таклифлар ҳам ўртага ташланаяпти. Мисол учун, яқинда мажбурий суғуртани такомиллаштириш борасидаги мулоҳазалар муҳокама қилинди. Айни кунларда уни амалиётга жорий қилиш бўйича тегишли ишлар олиб борилаётир. Доимий мижозларга ўн ва йигирма фоизлик чегирмалар берилишини тарғиб қилишда ҳам аъзолар фаоллик кўрсатаяпти.

Ҳудудда фаолият юритаётган ишбилармонларнинг суғуртага нисбатан ишончи ортишида таянч бўғиннинг қизғин фаолияти ўзига хос аҳамият касб этаётир, десак муболаға қилмаймиз. Айтайлик, 2010 йилда 395 млн. сўмлик 3700 дан зиёд шартнома тузилган бўлса, кейинги уч йил давомида деярли 20 мингта шартнома имзоланиб, уларнинг жами қиймати 2 млрд сўмни ташкил қилди.

— Сиёсий куч атрофига бирлашган фуқаролар партиянинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда электорат манфаатларини ифода этишда зиммаларидаги масъулиятни чуқурроқ ҳис этадилар, — деди биз билан суҳбатда БПТ етакчиси. — Унутмаслик керакки, партияга аъзо бўлган кишининг сиёсий куч тўғрисидаги илк тасаввури, қарашлари айнан бошланғич ташкилотда вужудга келади. Унинг қанчалик фаол бўлиши ҳам БПТ ишининг пишиқ-пухталигига боғлиқ. Буларнинг барчаси ўз устимизда тинимсиз ишлашга, изланишга ундамоқда. Жумладан, ҳали ишга солинмаган имкониятларимиз бор. Улардан унумли фойдалана олсак, аъзоларимиз сони янада ортиб, омма орасига чуқурроқ кириб боришга эришамиз. Зеро, O`zLiDeP бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини кучайтириш ва изчил такомиллаштириш йўлидан бораяпти. Биз ҳам ана шу стратегияни, «Кучли қуйи бўғиндан — кучли партияга» шиорини астойдил қўллаб-қувватлаб, дастурий мақсадларга ҳамоҳанг қадам ташлашга интиляпмиз.

## Ер эгалари манфаатлари — эътиборда

**Партия қуйи бўғинлари моҳият-эътибори билан O`zLiDeP дастурий мақсадлари рўёбига хизмат қилувчи ишларни изчиллик билан давом эттираяптилар. Тахтакўпир туманидаги 975 нафар либерал-демократик ғоялар тарғиботчисини бирлаштирган 47 та БПТ ҳам бу жараёндан мустасно эмас. Чунончи, «Бегжан Тахта» фермер хўжалигида тузилган бошланғич ташкилот томонидан «Фермерлик: устувор вазифалар, айрим муаммолар ва уларнинг ечимлари» мавзуида муҳокамалар ташкил қилинди. Тадбирда соҳа мутахассислари, партия фаоллари қишлоқ мулкдорларининг янада эркин ва самарали фаолият юритишларига имкон бераётган омиллар, улардан унумлироқ фойдаланиш зарурати хусусида атрофлича сўз юритдилар. Шунингдек, йиғилганлар ер эгалари дуч келаётган айрим қийинчиликларни, қишлоқда саноатни ривожлантиришга оид масалаларни ҳам кўриб чиқдидилар. Эътиборлиси, тилга олинган муаммолар юзасидан бир қанча асосли таклифлар билдирилди. Улар умумлаштирилиб, партия юқори органига тақдим этилди.**

## Дуогўйлар саломатлигини асраймиз

**Янги йилнинг Кексаларни эъзозлаш йили деб эълон қилиниши партиянинг таянч нуқталари саналган бошланғич ташкилотлар фаолларини хайрли ташаббусларга руҳлантирмоқда. Масалан, Чилонзор туманида жойлашган Республика врачлик-жисмоний тарбия диспансеридаги O`zLiDeP қуйи бўғини аъзолари йил мобайнида кексаларни бепул ва сифатли тиббий кўрикдан ўтказишни режалаштирдилар. Маълумки, бундай тадбир, айниқса, ёши улуғ инсонлар саломатлигини асрашда беқиёс аҳамиятга эга.**
**— Тегишли тартибда «Дўстлик», «Бешёғоч», «Халқлар дўстлиги», «Кўтарма», «Навбаҳор» ва бошқа маҳаллаларда яшовчи 200 дан зиёд отахон ва онахонларимиз рўйхатини туздик, — дейди 18 нафар ҳаммаслакни жипслаштирган мазкур БПТ раиси, бош шифокор Нодиржон Турсунов. — Уларни малакали мутахассислар 12 йўналиш бўйича муфассал текширувдан ўтказади. Шуни таъкидлашни истардимки, оддий поликлиникаларда ана шундай кенгайтирилган махсус тиббий кўрикни амалга ошириш имконияти мавжуд эмас.**

Б.ИСРОИЛОВ.

## «Биздан эзгу ва савобли ишлар қолсин!»

**Наманган тумани Молия бўлимидаги бошланғич ташкилотда ўтказилган навбатдаги йиғилиш ана шундай номланди.**
**— Қуйи бўғинимизга турли ташкилотларда ишловчи 103 аъзо бирлашган, — дейди БПТ етакчиси Улуғбек Холиқов. — Бу галги мажлисимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Конституциямизнинг 22 йиллиги муносабати билан қабул қилган амнистия тўғрисидаги қароридан келиб чиқувчи вазифаларга бағишланди. Маълумки, жазони ўташ муассасаларидан амнистия туфайли озод бўлган фуқаролар уйларига қайтишяпти. Меҳнат ярмаркалари ўтказиш ва бошқа чора-тадбирлар орқали улар бандлигини таъминлашга кўмаклашиш бўйича махсус режа ишлаб чиқдик. Шунингдек, маслакдошлар Президентимиз таклифига биноан Кексаларни эъзозлаш йили деб аталган 2015 йилда бажарилиши зарур ишлар борасида ҳам маслаҳатлашдилар. Хусусан, кексалар ҳолидан хабар олиш, зарур пайтларда уларга тиббий хизмат кўрсатиш, вилоятдаги истироҳат масканларига олиб бориш каби ишларни амалга оширишга келишиб олдилар.**

А.МУСУРМОНОВ.

## МУТОЙИБА

### ТОВУҚЛАР ДИПЛОМ СЎРАШИБДИ...

**Тиланчи эшикни тақиллатибди.**
**— Бир бўлак торт беринг?**
**— Ахир сен доим нон сўрар эдин-ку!**
**— Бугун Янги йил байрами экани эсингиздан чиқдими?!**

***

**— Азизам, — дебди хотин эрига, — лоақал байрам куни менга бирор яхши гап айтарсиз?**
**— Тушликка қандай тансиқ таом тайёрлаб бермоқчисан?**

***

**Судья:**
**— Нега овчилар жамияти аъзоси бўлмай туриб қуённи ўлдирдингиз?**
**Жавобгар:**
**— Нега қуён оилам аъзоси бўлмай туриб даламдаги сабзини ейди?**

***

**Янги йил кечаси уйга келган меҳмонлар олдида ўғилчасини койиган она:**
**— Алижон, нима тилинг йўқми, дастурхоннинг ўртасига қўлингни чўзяпсан?**
**— Тилим бор, фақат дастурхоннинг ўртасига етмайди-да!**

***

**Бўри жўжани ушлаб олибди.**
**— Эй, жўжа, кунинг битди, энди сени ейман.**
**— Бўри-бўри, илтимос мени емагин, сенга дадам билан ойимни олиб келаман, мазза қилиб ейсан.**
**Бўри ўйланиб:**
**— Бор, фақат тез келгин, — деб жўжани қўйворибди. Жўжа учиб бир дарахтга қўниб:**
**— Алдадим, алдадим, мен инкубатордан чиққанман.**

***

**Хўроз мусиқа мактабига ҳужжат топширяпди.**
**— Ўқиб нима қиласан? Туппа-тузук қичқирасан-ку?**
**— Нима қилай, товуқлар дипломинг борми, деб сўрашяпти!**

***

**Суғурта агентлигида:**
**— Айтингчи, хизматингиз ишончлими, тўловни вақтида тўлайсизми?**
**— Албатта, масалан, ўтган ҳафтада бир эркак тўққизинчи қаватдан йиқилиб тушди. У иккинчи қаватга етгунча биз хотинига суғурта пулини тўлаб бўлдик.**

Фахриддин НУРАЛИЕВ тайёрлади.

РЕКЛАМА

**Ўзбекистон банклари ассоциацияси ҳузурида ташкил этилган инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш фонди**

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа ғояларини танлов асосида қабул қилади.**
**Фонд томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа ғоялари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини (ТИА, бизнес-режа) ишлаб чиқиш танлов асосида амалга оширилади.**

Танлов қуйидаги йўналишларда олиб борилади: янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жорий фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгилаш.
Танловга инвестициявий жозибадорлик ва саноат соҳасида татбиқ этиш истиқболига эга, шунингдек, маҳаллий хом ашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи ғоялар қабул қилинади.
Фонд энг истиқболли ва жозибадор лойиҳаларни республика тижорат банклари кредит маблағлари ҳисобига молиялаштиришни ташкил этишга кўмаклашади.
Танловда лойиҳа ғоялари ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.
Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:
— ариза (намуна бўйича);
— инвестиция таклифи (намуна бўйича);
— инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).
Ҳужжатлар электрон шаклда ҳам қабул қилинади.

**Батафсил маълумот учун тел:** (+99871) 238-69-07, (+99871) 238-69-08.
**Web-site:** www.ffpd.uz; E-mail: pdf.fund@gmail.com
**Манзил:** Тошкент шаҳри, 100027, Шайхонтоҳур тумани, Қоратош кўчаси, 1-уй, Ўзбекистон банклари ассоциацияси биноси, 15-қават.
**Мўлжал:** «Истиқлол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.

РЕКЛАМА

**«BUXORO GLOBAL REALTOR» МЧЖ**

Бухоро вилоят филиали барча тадбиркорлик субъектларини, шу жумладан, кичик бизнес вакиллари ҳамда хусусий тадбиркорларни очиқ танлов савдоларига таклиф этади!

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Жондор тумани ҳокимининг 2014 йил 20 ноябрдаги 905, 906-сонли, 2014 йил 13 декабрдаги 974-сонли, 15 декабрдаги 981- ва 982-сонли ҳамда 25 декабрдаги 1024-сонли қарорларига асосан юридик ва жисмоний шахслар тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи такрорий танлов савдоларига қўйилмоқда:**

1. Бухоро вилояти, Жондор тумани, Қароли ҚФЙ, Бўрибоғи аҳоли пункти ҳудудидан «Минифутбол майдончаси» қуриш учун ажратилган 1500,0 кв.метрдан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич қиймати – 620 010 сўм.

2. Бухоро вилояти, Жондор тумани, Лоло ҚФЙ, Лоло аҳоли пункти ҳудудидан «Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси» қуриш учун ажратилган 320,0 кв.метрдан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич қиймати – 132 268,80 сўм.

3. Бухоро вилояти, Жондор тумани, Мустақиллик қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидан «Оҳак ишлаб чиқариш цехи биноси» қуриш учун ажратилган 10 000,0 кв.метрдан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич қиймати – 413 340 сўм.

4. Бухоро вилояти, Жондор тумани, Мустақиллик ҚФЙ ҳудудидан ўтувчи 4Р48 автомобиль йўлининг 370-400 км.нинг чап томони, 370-900 км.нинг ўнг томони ҳамда 372-050 км.нинг ўнг томонидан «Автобекат ва савдо дўкони бинолари» қуриш учун ажратилган ҳар бири 40,0 кв.метрдан иборат 3 (уч)та ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич қиймати – 165 33, 60 сўмдан.

5. Бухоро вилояти, Жондор туман, Лоло ҚФЙ Луқмон аҳоли пункти ҳудудидан «Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси» қуриш учун ажратилган 200,0 кв.метрдан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич қиймати – 82668 сўм.

6. Бухоро вилояти, Жондор тумани, Мустақиллик ҚФЙ, Поччойи аҳоли пункти ҳудудидан:

6.1. «Тўй маросимларини ўтказиш мажмуаси» қуриш учун ажратилган 2500,0 кв.метрдан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич қиймати – 103 33 50 сўм;

6.2. «Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси» қуриш учун ажратилган 240,0 кв.метрдан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич қиймати – 99201, 60 сўм;

6.3. «Тикувчилик цехи биноси» қуриш учун ажратилган 250,0 кв.метрдан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич қиймати – 103 335 сўм;

6.4. «Акфа цехи биноси» қуриш учун ажратилган 210,0 кв.метрдан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич қиймати – 86 801, 40 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Жондор тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 09.00дан 16.00гача (13.00дан 14.00гача тушлик) қабул қилинади ва 2015 йил 5 февраль куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Талабгорларнинг конвертлари Жондор туман ҳокимлиги биносида 2015 йил 6 февраль куни соат 11.00 да очилади, 2015 йил 6 февраль куни соат 14.00 да мазкур ҳокимлик биносида таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор ғолиб деб топилади.

Юқоридаги ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2015 йил 6 февралдаги танловда сотилмаган тақдирда, такрорий танлов савдоси 2015 йил 13, 20, 27 февраль кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш бир куни олдин соат 18.00 да тўхтатилади.

Такрорий танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Жондор туман ҳокимлиги биносида 2015 йил 13, 20 ,27 февраль кунлари соат 11.00 да очилади ва соат 14.00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ДТ «Халқ банк» Бухоро филиали, ҳ/р: 20208000600251607001, МФО 00116, СТИР 302668377 га тўлашлари шарт.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар буюртманома билан бирга қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этади:

— юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— жисмоний шахслар – паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), ваколатли вакил қатнашган тақдирда шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— танлов ташкилотчисига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;

— танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

**Танлов ҳужжатларини олиш учун савдо ташкилотчисининг манзили:**
Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй.
Тел: (+99893) 960-69-00, Факс: (+99865 221 54 43) www.bgr.gl.uz. Хизматлар лицензияланган RL 0171.

# ҚУТЛОВ


ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
МИНТАҚАВИЙ
РЕАБИЛИТАЦИЯ МАРКАЗИ
ЖАМОАСИ
ватандошларимизни
Янги йил байрами
билан табриклайди.
Сизларга ва яқинларингизга узоқ умр,
сиҳат-саломатлик тилаб,
барча эзгу ниятларингизга
эришишингизга тилакдошмиз.
Байрам кайфияти сизларни
асло тарк этмасин!


«TOSHKENTIKKILAMCHIQORAMETALL»
масъулияти чекланган жамияти жамоаси
юртдошларимизни
Янги йил айёми
билан муборакбод этади.
2015 — Кексаларни эъзозлаш йилида
барчангизга тинчлик-осойишталик,
бахт-саодат, дастурхонларингизга
қут-барака тилаймиз!

# Милландаги мақтовнинг моҳияти

**Ҳар қандай давлатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражаси аёлларнинг жамиятда тутган ўрни, мавжуд турмуш тарзига муносабати билан белгиланади. Шу нуқтаи назардан қараганда, бугун хотин-қизларга яратилаётган шарт-шароит, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида олиб борилаётган ишлар Ўзбекистоннинг ҳар томонлама равнақ топиб бораётганида яққол акс этмоқда**

**Юлдуз МАМАДИЁРОВА,**
«Шаҳрисабз ироқи» МЧЖ раҳбари

Мен тадбиркорликни 2003 йилда 10 нафар хотин-қиз билан бошлаган эдим. Уйда ўтирганларни ишга жалб қилишда қийинчиликлар бўлмади. Сабаби — ўзбек аёллари ҳунарманчиликнинг қадимий тури бўлган миллий кашталаримизни маҳорат билан матоларга туширадилар. Интилиш ва изланиш туфайли ишимиз юришиб бораверди. Шу тариқа 2012 йилда Италиянинг Милан шаҳрида ўтказилган «AF 2012 — L`Artigiano in Fiera» халқаро кўргазма-савдосида қатнашдик. Аёлларимиз қўлларида сайқал топган гўзал ижод намуналари тадбир иштирокчилари, нуфузли санъатшуносларнинг эътирофи ва эътиборига сабаб бўлди. Франция, АҚШ, Россия каби давлатларда ўтказилган ярмаркаларида ҳам қўл меҳнати намуналаримиз қатор совринларни қўлга киритди.

Биласизми, ҳаёт пул топишдан иборат эмас. Унинг биз кўрмайдиган қанчадан-қанча гўзалликлари бор. Тикувчилик цехимизда бугунги кунда 100 дан ортиқ хотин-қиз ёлланма ишласа, 30 нафар аёл доимий меҳнат қилишади.

Касб-ҳунар — аёлнинг зийнати. Бизда хотин-қизлар кўпинча уй шароитида ишлашни хуш кўришади. Агар қўлида ҳунари бўлса, вақтини бекор ўтказмайди, рўзғорига ҳам ўз даромади билан ҳисса қўшади. Энг асосийси, оиласида меҳнат муҳити ўрнатилади. Кичкиналар катталарга ҳавас қилиб, уларнинг изидан боришади. Биз маҳсулотларни сотиш учун бозорга чиқариб юрмаймиз. Харидорлар уйимиздан олиб кетишади. Сайёҳларнинг эҳтиёжларига қараб, компьютер учун ғилоф-сумкача, ҳамён, пойандоз, гиламча, совға сифатидаги эсдалик буюмлари тўқиб беряпмиз. Уларнинг лойиҳасини ҳам ўзимиз тайёрлаймиз.

Энг ривожланган давлатлардан келаётган туристлар ҳам миллий услубда, табиий жундан, қўл меҳнати эвазига яратилган маҳсулотларимизга қизиқиб, ажабланиб харидор бўлиши беҳад қувонтиради. 2015 йилда хорижлик ҳамкорларимиз билан биргаликда гилам ишлаб чиқаришга ихтисослашган қўшма корхона очиш ниятим бор. Мутахассисларнинг фикрларига кўра, биз тўқиган гиламлар таркибидаги табиийлик инсон саломатлиги учун фойдали экан. Бундан ташқари, цехимиз қошида гўзаллик салони очмоқчиман. Давлатимиз раҳбари аёлларнинг озод ва обод юртимиз келажаги бўлган ҳар томонлама етук ёшларни тарбиялашдаги беқиёс ўрнини алоҳида таъкидлаб, хотин-қизларга ҳамиша жонкуярлик билдириб келаётгани бежиз эмас.

Мухтасар айтганда, аёл — муҳтарама она, жонкуяр шифокор, доно муаллим, ишбилармон ва етук раҳбар, депутат ва сенатор....

Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Аёлни бу қадар эъзозлайдиган, унга ҳурмат-эҳтиром кўрсатадиган юрт яна қаерда бор?!

## Тошлоқ трансформаторлари

**Тошлоқ туманидаги Заркент қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Абдуллажон Йўлдошев истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ тадбиркорликка қўл уриб, электр трансформаторларини таъмирлашга ихтисослашган кичик фирма ташкил этди. Тинимсиз меҳнат ва изланиш туфайли кўзлаган мақсадлари бирин-кетин рўёбга чиқмоқда. Айни кунда у катта иқтисодий салоҳиятга эга бўлган «Зебо» хусусий корхонасининг раҳбаридир.**

**— Биз асосан турли ҳажм ва кучланишдаги электр трансформаторларини йиғиш ҳамда таъмирлаш, уларга техник хизмат кўрсатиш, электр ускуналари учун махсус қутилар тайёрлаш билан шуғулланамиз, — дейди А.Йўлдошев. — Ҳозирги кунда корхонамизда 25 киловаттдан 1000 киловаттгача қувватга эга трансформаторни йиғиш ва таъмирлаш имконияти мавжуд. Ходимларимиз буюртмаларни ўз вақтида сифатли бажаришади. Шу боис мижозлар сафи тобора кенгаймоқда. Бу эса зиммамизга янада катта масъулият юклайди. «Алоқабанк»нинг Фарғона филиали корхонани молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаётир. Жумладан, яқинда зарур эҳтиёжлар учун 85 миллион сўмлик кредит ажратилди. Ташаббускор тадбиркор келгусида корхона фаолиятини янада кенгайтириш, 10 та янги иш ўрни очишни мақсад қилган.**

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ.

## Қўмита мутасаддилари маълум қиладики…

**2014 йилда Давлат божхона қўмитаси веб-сайти орқали тадбиркорлик субъектлари учун 17 та интерактив хизмат жорий этилиб, 17 400 га яқин ишбилармон улардан фойдаланди. Шунингдек, соҳанинг турли йўналишлари бўйича ахборотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва қайта ишлашга мўлжалланган 24 та ахборот дастури ягона тизимга бирлаштирилиб, 14 таси давлат рўйхатидан ўтказилди.**

**Мазкур қўмита мутасаддилари иштирокидаги матбуот анжуманида ана шулар ҳақида сўз юритилди. Таъкидланганидек, товарларни «Вақтинча олиб кириш (олиб чиқиш)» ва «Реэкспорт» божхона режимига жойлаштириш, ҳужжатларни электрон равишда тақдим қилиш юзасидан аниқ вазифалар белгиланиб, уларни давлат интерактив хизматлари портали орқали амалга ошириш бўйича тегишли чоралар кўрилмоқда.**

**— Тадбиркорлик субъектлари фаолияти билан боғлиқ божхона тўловларига оид маълумотларни олиш ва тегишли контрактларни электрон шаклда тақдим этиш юзасидан 6 та интерактив хизмат ишлаб чиқилди, — деди мазкур қўмитанинг Оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бўлими бошлиғи Бекзод Бердиев. — Бу эса божхона расмийлаштирувини соддалаштириш, ташқи савдо иштирокчилари ва божхона ходимлари учун қулайликлар яратиш ва контрабандага қарши курашишда муҳим аҳамият касб этмоқда.**

Рисолат МАДИЕВА.

O`zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши Депутатлик гуруҳлари билан ишлаш сектори етакчи консультанти Мирсаид Жонзоқовга онаси **Шаҳзода ЖОНЗОҚОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.












# СЎНГГИ САҲИФА

## Юз билан юзлашган бобо

**Имомназар бобо Қурбонов Марғилон шаҳрида истиқомат қилади. 8 нафар фарзанд, 17 невара, 29 чевара ва 4 эвара ардоғида кексалик гаштидан баҳраманд.**

**У уруш даврида кўп машаққатлар чеккан. Бир неча бор жароҳатланган. Лекин ҳар қандай қийин дамда ҳам она диёр соғинчи руҳий мадад бағишлаган. Урушдан сўнг нафақага чиққунга қадар атлас тўқиш корхонасида самарали меҳнат қилди.**

**— Эрта тонгда уйғониб, Яратганга беадад шукроналар келтираман, шу мўътабар ёшга етганимдан, шу кунларни кўриш насиб қилганидан бахтиёрман, — дейди бобо. — Президентимиз томонидан 2015 йилнинг Кексаларни эъзозлаш йили деб номланиши кучимизга-куч, ғайратимизга-ғайрат қўшди. Хоҳлаган пайтимизда санаторияда дам оламиз, сиҳат-саломатлигимиздан малакали шифокорлар хабардор. Зеро, Юртбошимизнинг 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармонига асосан кексаларнинг йилда бир маротаба ўзлари учун қулай вақтда санатория-соғломлаштириш муассасаларида давлат ҳисобидан даволаниши кўзда тутилган.**

**Шоду ҳуррам кунлар сururидан баҳра олиб, умргузаронлик қилаётган И.Қурбонов фарзанду набираларига «ўтаётган ҳар бир куннинг қадрига етинглар, тинчлик-осойишталикни асраб-авайланглар» дея уқтиради. «Ёвқочар» маҳалла фуқаролар йиғини жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда бобонинг қутлуғ 100 ёшини тўй қилиб нишонлади. «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раиси Топволди Холдоров туҳфалар топширди. Куй-қўшиқлар рақсларга уланди...**

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ.

## Бошлиқ саволларга жавоб берди

**Тошкент шаҳар ҳокимлигида бўлиб ўтган матбуот анжуманида тиббий хизмат сифатини ошириш, аҳоли саломатлигини сақлаш йўлида олиб борилаётган лойиҳалар, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш борасидаги ишлар хусусида журналистларга маълумот берилди. Таъкидланганидек, бугун пойтахтимизда 184 та тиббиёт муассасаси фаолият кўрсатмоқда. 60 та оилавий, 11 та кўп тармоқли, 12 та стоматологик, битта талабалар поликлиникаси, 21 та диспансер, 7 та марказ шулар жумласидандир. Йил давомида 6 та тиббиёт муассасаси реконструкция қилинди. Янги оилавий поликлиника ишга туширилди. Соғлом турмуш тарзини татбиқ этиш, ёшларнинг тиббий маданиятини юксалтириш мақсадида 320 та мактаб, 118 та коллеж ва академик лицей, 36 та олий ўқув юрти, 474 та маҳаллада шифокор ва ҳамширалар иштирокида давра суҳбатлари ўтказилди.**

**Анжуман якунида Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи Б.Мамажонов журналистларни қизиқтирган барча саволларга атрофлича жавоб қайтарди.**

Дилноза НОМОЗОВА.

## Эҳромлардаги радиация



**Тарихий манбаларнинг шоҳидлик беришича, Миср эҳромларининг ҳар бири 20 тонна оғирликдаги тошлардан барпо этилган. Пирамида кимнинг номига қурилган бўлса, унинг мўмиёси турган хонага йилига икки марта: туғилган ва тахтга чиқан куни қуёш тутилиши кузатилади. Мўмиёларда радиоактив модда бўлганлиги сабабли уларни тадқиқ қилган 12 нафар олим рак касаллигидан вафот этган. Пирамидаларнинг ички қисмида электрон жиҳозлар ишламайди, ифлос сув бир неча кун турса тозаланиб қолади, ўсимликлар тез ўсади, танадаги жароҳатлар тузалади, ёзда совуқ, қишда иссиқ бўлади.**

## Сув остидаги шаҳар



**Японияда шундай шаҳар қурилиши режалаштирилган. Беш минг кишини сиғдира оладиган лойиҳа учта бўлимдан иборат. Биринчиси 500 метр диаметрли гумбаз бўлиб, унинг юқори қисми сув устига чиқиб туради. Гумбаз марказидаги минорада 450 ўринли меҳмонхона, офис, шунингдек, илмий-тадқиқот маркази барпо этилади. Гумбазнинг пастки қисми денгиз қаъридаги манбаларни ўрганиш бўйича тадқиқот марказига бориб тақалади. Режага мувофиқ, сув ости шаҳридаги энергиянинг бир қисми генераторлар томонидан юзадаги илиқ сув ва океан тубидаги совуқ сув ҳароратлари ўртасидаги фарқ ҳисобидан ишлаб чиқарилади.**

Шоира НОМОЗОВА тайёрлади.












XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

**БОШ МУҲАРРИР ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ:** Озод РАЖАБОВ.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй.

**ТЕЛЕФОНЛАР:** Котибият — 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).

**ЭЛЕКТРОН ПОЧТА:** axborotXXIasr@yahoo.com, XXI_ASR@mail.ru

**«XXI ASR»** ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Буюртма рақами: S 1712 Тираж: 16973

Баҳоси келишилган нархда.

Топширилди — 20:00

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.



©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Реклама материалларига таҳририят жавобгар эмас.



Газета таҳририятда терилди ҳамда дизайнер Маркс Юсупов томонидан саҳифаланди.

**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406**

ISSN 2181-497X

Навбатчилар:
О.РАЖАБОВ, Ф.НУРАЛИЕВ.